

## ЎЗБЕКИСТОН



## ҲАФТА ИЧИДА

● «Ўзэкспомарказ»да озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати ускуналарининг XV «WorldFood Uzbekistan – 2015» ҳамда қишлоқ хўжалиги технологияларининг X «AgroWorld Uzbekistan – 2015» халқаро кўргазмалари очилди. Кўргазмаларда Ўзбекистон, АҚШ, Германия, Испания, Италия, Бельгия, Венгрия, Польша, Исроил, Хитой, Россия, Эрон, Жанубий Корея, Литва, Эстония, Бирлашган Араб Амирликлари каби 30 га яқин мамлакатдан 180 дан ортиқ компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Кўргазмада озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, уруғлар, қишлоқ хўжалиги техникаси, паррандачилик ва чорвачилик маҳсулотларига кенг ўрин ажратилган.

\* \* \*

● «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ёшлар йиғма симфоник оркестри ва истеъдодли ёш опера ижрочилари иштирокида «Баҳор симфонияси» деб номланган концерт бўлиб ўтди. Унга давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, Ўзбекистон Президенти сайловини кузатиш учун келган чет эллик меҳмонлар, мусиқа ихлосмандлари таклиф этилди. Жаҳон ва ўзбек композиторлари ижодидан энг сара намуналар, машҳур опералардан ариялар, куй-қўшиқларни томошабинлар ҳаяжон ва завқ билан кутиб олди.

\* \* \*

● «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Саломатлик» поезди шифокорлари Навоий вилоятида саломатлик кунларини ўтказмоқда. Тиббий кўрикларга вилоят марказидан олисда жойлашган қишлоқ ва овулларда яшовчи ҳамда алоҳида парваришга муҳтож аҳоли қатлами жалб этилмоқда. Тадбир давомида аҳолига озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон, тиббий анжом ҳамда санитария-гигиена воситаларидан иборат мурувват ёрдамлари кўрсатилмоқда.

\* \* \*

● Жиззаҳда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонуни ижросига бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди. Тадбирда мазкур қонун ижроси, уни ҳаётга изчил татбиқ этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар, галдаги вазифалар, жойларда қонун ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, эришилаётган натижалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

\* \* \*

● Давлат божхона кўмитасида товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштиришнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги аҳамияти, бу борада эришилаётган натижаларга бағишланган анжуман ўтказилди. Таъкидлаш лозимки, айни пайтда тадбиркорларга декларациялар, товар ва транспорт воситаларига оид ҳужжатлар ҳамда ҳисоботларни божхона органларига масофадан электрон усулда тақдим этиш ва расмийлаштириш имконияти яратилди. Пировардида, биргина 2014 йилда экспорт-импорт операциялари юзасидан расмийлаштирилган божхона юк декларацияларининг 402 мингдан ортиги ёки 98,7 фоизи электрон тарзда тақдим қилинди. Бундай қулайликлар туфайли тадбиркорлик субъектларининг маблағлари ва вақти тежалаётгани ҳам анжуман иштирокчилари томонидан қайд этилди.

**ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

## Парламент ҳаёти

## ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ЮЗАСИДАН КЕНГ ВА АМАЛИЙ МУҲОКАМАЛАР ЎТКАЗМОҚДАЛАР

(Давоми.  
Бошланғичи 1-бетда).

Тадбир иштирокчилари Кодексга киритилаётган мазкур тузатишлар маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигимиз вазифаларига тўла мос келишини, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, жамоат тартибини сақлашга, табиий муҳитни, аҳоли соғлигини муҳофаза қилишга қаратилганини алоҳида эътироф этдилар. Олимлар ва тадқиқотчилар қонун лойиҳасида назарда тутилган нормаларни янада тақомиллаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

– Қонун лойиҳасининг назариётчи олимлар даврида муҳокамадан ўтказилиши биз ишчи гуруҳ аъзолари учун кўп жиҳатдан фойдали бўлди, – дейди кўмита аъзоси, депутат Д. Арипов. – Энг аввало, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик, унинг вазифалари, маъмурий жазоларнинг қўлланиши масалаларига оид илмий-назарий жиҳатлар ҳақида кенг маълумотлар олдик. Шунингдек, олимларнинг бир қатор таклиф ва мулоҳазаларини бирга-ликда муҳокама қилдик. Мазкур муҳокама лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

– Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси вакилларининг қонун лойиҳаларини университетимиз олимлари, тадқиқотчилари билан биргаликда муҳокама қилиши қонун ижодкорлиги фаолиятига янгича мазмун олиб кирди, – дейди юридик фанлар доктори, профессор Ж. Холмўминов. – Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қонун лойиҳаларини давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида кенг ва амалий муҳокама қилиш зарурлиги ҳақида алоҳида таъкидланган эдилар. Чиндан ҳам фу-

қароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳаларининг олимлар, мутахассислар ва экспертлар иштирокида муҳокама қилинишидан ҳаммамиз манфаатдоримиз. Бундан ташқари, бугунги муҳокама биз олимлар учун, айниқса, илмий тадқиқотларимиз учун жуда фойдали бўлди.

Ўта қизгин ва самарали баҳс-мунозаралар асосида ўтган тадбир якунида қонун лойиҳасини янада тақомиллаштиришга доир фикр-мулоҳазалар ва таклифлар умумлаштирилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.**

## Хабарлар

## ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

**Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим тамойили – қонун устуворлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш йўналишида ҳуқуқбузарлик, айниқса, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган пухта ўйланган, мақсадли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.**

Бу борада Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишидаги фаолиятида амалдаги қонунчиликдаги янгиликлар, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшларга жонли мулоқот асосида тушунтиришга қаратилган турли тадбирларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Яқинда ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси ҳамда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва

юридик таъминлаш бошқармаси томонидан Тошкент ирригация-мелиорация институтида «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича навбатдаги тарғибот тадбири ташкил этилди. Ушбу анжуманда ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси муҳим ишлар бўйича катта инспектори, майор Б. Султонов мазкур қонун юзасидан ўзининг фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир давомида ИИВ ИХҲҚ ва ЮТБ томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус дастури асосида тайёрланган инсон ҳуқуқлари бўйича замонавий концепциянинг шаклланиш жараёнларини очиб берувчи видеофильмнинг намойиш этилиши талабаларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, мазкур бошқарма томонидан нашр этилган бир қатор юридик адабиётлар талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида институт кутубхонасига топширилди.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

**Феруз АМОНОВ,**  
капитан.

## СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

**Республика ИИВ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Тошкент шаҳар марказида қайта тайёргарликдан ўтган йўл-патруль хизмати сафдор ходимларининг битирув тантанаси бўлиб ўтди.**

Тадбирга таклиф этилганлар минбарга кўтарилгач, курс бошлиғи, майор Н. Ҳазратов шахсий таркиб навбатдаги битирув тантанасига сафланганлиги тўғрисида ахборот берди. Марказ бошлиғи, полковник И. Самандаров сўз олиб, барчани ушбу унутилмас кун билан табриклади. Нотиқ мамлакатимизда ўтказилаётган туб ислохотлар демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ички ишлар органларининг ҳар бир ходими унда фаол иштирок этиши, ўз хизмат фаолиятида амалдаги қонунлар, талабларни яхши ўрганиши ҳамда қатъий риоя қилишни ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчи деб билиши, шунингдек, Ватани севиш, асраб-авайлаш унга содик, фидойи бўлиш кераклигини алоҳида таъкидлади.



Шундан сўнг курсантларга сертификатлар топширилди. Ўқитувчи ва мураббийлар номидан сўзга чиққан подполковник З. Жуманов битирувчиларнинг ўқув жараёнида олган билим ва кўникмалари уларнинг келгуси фаолиятида муҳим аҳамият касб этишига ишонч билдирди. Битирувчилар номидан сафдор Б. Файзуллаев сўзга чиқиб, мана шундай шарт-шароит, имконият яратиб берган вазирлик ҳамда марказ раҳбариятига миннатдорлик билдирди ва юсак ишонччи шараф билан оқлашга ваъда берди.

**Фурқат ҒАЙБУЛЛАЕВ,**  
кичик сержант.  
Суратда: битирув тантанасидан лавҳа.  
**Абу КЕНЖАЕВ** олган сурат.

Ҳозирги замонда ҳар бир кишининг, у қайси соҳада фаолият кўрсатишидан қатъи назар, ахборот-коммуникация технологияларидан хабардор бўлиши, уларни ишлата билиши жуда муҳимдир. Негаки, кундан кунга янги-янги истеъмолга кириб келаётган техникалардан ходимнинг фойдалана билмаслиги замондан ортада қолишга, корхона ёки ташкилотнинг иш унуми пасайишига олиб келади. Шунинг учун айни пайтда ички ишлар идораларининг барча тоифадаги ходимлари босқичма-босқич Тошкент ахборот технологиялари университетининг жойлардаги филиалларида малака ошириш курсларида ўқитилмоқда.

## ХОДИМЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

Хусусан, яқинда ИИВ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Фарғона шаҳар марказининг 20 нафар ходими Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиалида малака оширишди. Ўқув курсларида ходимларнинг компьютер техникаси ва интернет тизими ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича билимлари синовдан ўтказилди. Уларнинг бу борадаги савияларини янада ошириб бориш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Ўқув курси якунида барча ходимларга сертификатлар топширилди.

**А. ЭМИНОВ,**  
подполковник.

## Эҳтиром

## ИЗЗАТ-ИКРОМ БИЛАН

Ҳар қандай жамоада ҳам ўзаро аҳиллик ютуқлар гаровидир. Қаердаки каттага ҳурмат, кичикка иззат кўрсатилса, ўша ерда меҳнатда унум бўлади. Буни яхши тушунган, ишнинг кўзини билган раҳбарлар ўзлари бошчилик қилаётган жамоада авлодлар ўртасида алоқалар мустаҳкам, анъаналар бардавом бўлишини таъминлашга интилади.

Андижон вилояти ИИБда ҳам йиллар давомида шаклланган хайрли анъаналар талайгина. Улардан бири узоқ йиллар сидқидилдан хизмат қилиб, эл-юрт тинчлик-осойиштали-

гини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ҳамкасбларини иззат-икром билан нафақага кузатишдир.

Яқинда вилоят ИИБда навбатдаги ана шундай тadbир бўлиб ўтди. Унда подполковниклар Баҳодир Бурхонов ва Рустамжон Йўлдошев, майор Анваржон Исроилов, капитан Анваржон Хидиров, катта сержант Шукуралли Усмонов, сержант Дилёрбек Абдулқосимов ва сафдор Нафисахон Жўрабоева тантанали равишда нафақага кузатилди.

Андижон вилояти ИИБ бошлиғи, полковник Д. Бобожонов уларнинг

барчасига намунали хизмати, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашишга муносиб ҳисса қўшганликлари учун самимий миннатдорлик билдирди. Сўнг эндигина фахрийлар сафидан ўрин олганларга эсдалик совғалари топширди.

Улар ҳам ўз навбатида вилоят ИИБ раҳбариятига кўрсатилган ҳурмат-этибор учун ўз миннатдорликларини изҳор этишди. Ҳамкасбларига эл-юрт тинчлик-осойишталигини таъминлаш йўлидаги келгуси фаолиятида муваффақиятлар тилашди.

**Борис КЛЕЙМАН.**  
Андижон вилояти.

## Амалиёт

## БўЛАЖАК МУТАХАССИСЛАР УЧУН МУҲИМ БОСҚИЧ

Шу кунларда ИИБ Академияси битирувчи босқич тингловчилари Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБларида амалиёт ўтамоқда.

Сирдарё вилоятида ички ишлар идораларида ИИБ Академиясининг 18 нафар тингловчиси тергов, тезкор-қидирув ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишлари бўйича амалиёт ўташмоқда. Тингловчиларнинг турли жиноятларни фош этишда бевосита иштирок этаётгани, айниқса, самарали бўлаётди. Масалан, яқинда Гулистон шаҳар ИИБга фуқаро Б. Ўсаров ариза билан мурожаат қилиб, ўзига тегишли бўлган «Нексия» русумли автомашина салонига уяли телефон аппарати номаълум шахс томонидан ўғирлаб кетилганини билдирди. Мазкур ҳолат юзасидан тингловчи Ф. Хайдаров ва унга мураббий этиб бириктирилган шаҳар ИИБ ЖК ва УЖҚҚБ тезкор вакили, катта лейтенант Б. Худойбергенов томонидан тезкор қидирув-суриштирув ишлари олиб борилди. Натижада ўғирлик жиноятини Гулистон шаҳрида яшовчи С. Сангиров содир этгани аниқланиб, телефон аппарати ашёвий далил сифатида олинди ва ўз эгасига қайтарилди.

Амалиётда орттирилган бундай амалий кўникмалар тингловчиларимиз учун соҳанинг ўзига хос сир-асрорларини ўзлаштиришда муҳим пойдевор вазифасини ўташи аниқ.

**Улуғбек НОСИРОВ,**  
подполковник.

\* \* \*

ИИБ Академияси тингловчиларидан бир гуруҳи Самарқанд шаҳар ИИБ эксперт-криминалистика бўлимида иш ўрганмоқдалар. Бунинг учун тегишли дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, ҳар бир тингловчи мураббийлар



Суратда: Самарқанд шаҳар ИИБ ЭКБ бошлиғи, подполковник Р.Нурматов тингловчилар М.Амонова ва Ф.Дўстов билан суҳбатлашмоқда.

кўмагида кундалик машғулотларни изчил давом эттирмоқда.

– Амалиётчилар ички ишлар идоралари эксперт-криминалистика хизматининг фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни ўрганиш билан бирга, эксперт-криминалистнинг ҳисоботларини юритиш фаолиятига доир ҳужжатлар билан ишлаш тартибини ўрганмоқдалар, – дейди ИИБ Академияси катта ўқитувчиси, подполковник Дониёр Усмонов. – Мамнуният билан таъкидлаш лозимки, тингловчиларимиз зарур ҳужжатларни қийинчиликларсиз ва белгиланган муддатда тайёрлашяпти.

Малавий амалиёт жараёни шаҳар ИИБ раҳбарияти томонидан кузатиб бориляпти. Тингловчиларга мутахассисликлар бўйича амалиёт дастурини муваффақиятли бажаришлари учун барча шароитлар яратилган.

**Камол АБДУЛЛАЕВ.**

ри ва бошқа шарт-шароитлар ҳақида батафсил сўзлаб беришди. Шу билан бирга, амалиёт давомида ҳар бир тингловчидан талаб қилинадиган ишларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтишди.

**Мирзобой АБДУЛЛАЕВ,**  
майор.

\* \* \*

Жиззах вилоятига келган 36 нафар тингловчи Жиззах шаҳар ИИБ ЖК ва УЖҚҚБ, ХООБ, тергов ва эксперт-криминалистика хизматларига бириктирилди. Улар мураббийлар раҳбарлигида хизматга киришиб кетишди. Айниқса, жиноят қидирув хизматининг тезкор ходимлари ёрдамида амалиёт ўтаётган тингловчилар содир этилган жиноятларни фош этиш, айбдорларни ушлашда фаол иштирок этишмоқда. Бир неча ой аввал фирибгарлик жиноятини содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган Пахтакор туманилик Б. Фуломни тингловчилар М. Жуманов ва Ж. Холқўзиев, тезкор вакил, майор Д. Нормуродов раҳбарлигида тунда шаҳар кўчасида қўлга олишди. Тингловчилар А. Суюндиқов ва М. Муродов эса тезкор вакил майор В. Сувоқулов бошчилигида шаҳарнинг Токчилик маҳалласида яшовчи Х. Хотамовани Маданият маҳалласида жойлашган дўкандан аёллар кийимларини ўғирлаб кетаётганида ашёвий далил билан қўлга олдилар.

Амалиёт ўтаётган тингловчиларга зарур шарт-шароитлар яратилгани, айниқса, мураббийларнинг амалий ишларда кўмак бераётганларини айтиб ўтиш жоиз.

**Жонибек МАҲКАМОВ,**  
майор.

## ДУНЁДАН



## ДАРАКЛАР

МАРАФОНЧИЛАР  
МАСОФАСИ

«Opportunity» аппарати Марсга 2004 йил 25 январда кўндирилган эди. У ўтган даврда Қизил сайёра юзасида 42 километрдан ортиқроқ масофани, яъни марафончилар масофасини босиб ўтди. Аппарат ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар сайёра юзасида бир пайтлар сув, ҳаёт учун қулай шарт-шароитлар мавжуд бўлганлигини исботлади. НАСА агентлиги 2030 йилда Марсга астронавтар парвозини амалга оширишни режалаштирганлиги назарда тутилса, ушбу илмий изланишлар амалий аҳамиятга ҳам эга эканлиги ойдинлашади.

АЛЬП УСТИДАГИ  
ФОЖИА

Маълумки, сешанба куни Франция жанубида, Альп тоғлари устида Германия авиакомпаниясига қаршли «Airbus A – 320» самолёти қулаб тушган эди. Ҳаво кемасида 150 киши бор эди. Барча йўловчилар ва экипаж аъзолари ҳалок бўлишган. Самолёт бортига ўрнатилган овоз ёзиш қурилмаларини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, фожа юз беришидан олдинроқ авиалайнер командирини каби нани тарк этган. У қайтиб келганида иккинчи учувчи Андреас Любиз кабина эшигини очмаган. Тахминларга қараганда, айнан иккинчи учувчи штурвални бошқараётди, самолётни атайлаб пастлатган. Йўловчилар сўнгги дақиқаларгача ҳалокат юз бераётганини сезишмаган. Сўнгги маълумотларга кўра, Андреас Любиз бундан бир ярим йил олдин психиатр қабулида бўлиб, муолажа олган.

## ТЎҚНАШУВ ОҚИБАТИДА...

Таиландда иккита йўловчи поезд тўқнашиб кетган. Оқибатда камида 50 киши жароҳатланган. Айниқса, поездлардан бирининг машинисти ва муҳандиси оғир жароҳат олган. Йигирмага яқин фуқаро шифохонага ётқизилган. Қолганларга воқеа жойининг ўзида тиббий ёрдам кўрсатилган. Ҳозирча тўқнашув сабаблари аниқ айтилмаяпти. Лекин тахминларга қараганда бунга семафорлардан бирининг носозлиги ёки машинист хатоси сабаб бўлиши мумкин.

ГАЗ ПОРТЛАШИ  
ТУФАЙЛИ

Нью-Йорк марказидаги беш қаватли уйлardan бирининг ертўласида газ портлаши туфайли ёнгин келиб чиққан. Ёнгин ўша атрофдаги яна учта уйга тарқалган. Айрим биноларга зиён етган. Фалокат оқибатида 19 киши жабр кўрган. Уларнинг тўрт нафари оғир аҳволда. Ҳалок бўлганлар ва бедарак йўқолганлар ҳақида хабар берилмаган. Ёнгинни ўчиришга 250 нафардан ортиқ ходим жалб этилган. Қутқарувчилар қўшни бинолардаги одамларни ҳам хавфсиз жойга кўчиришган. Воқеа жойи ўраб олинган. Портлаш ва ёнгинга газ компанияси ишчиларининг эҳтиётсизлик қилиб газ қувурига шикаст етказгани сабаб бўлганлиги тахмин қилинмоқда.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

# ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР

(Давоми.  
Бошланғичи 1-бетда).

— Анча йиллар аввал бу худуд энг нотинч жойлардан бири ҳисобланар эди, — дея эслайди ўша дамларни Фатхулла Раҳимов. — Бозор худуди бўлгани учун талончилик, йўлтўсарлик, ўғрилик авж олганди. Шундай вазиятда мени шу ерга маҳалла раиси этиб сайлашди. Ўзим ҳам шу ерда яшаганлигим, бундан ташқари, кўп йиллар ички ишлар идораларида фаолият кўрсатиб, худуднинг ўғриси ким, тўғриси қимлигини билганим учун барчасини назоратга олишга ҳаракат қилдим. Ёмонлик қилаётган одамга ёки ўғрига «сен ёмонсан, сени қамаш керак, жазонингни бериш керак», деб бўлмайди. Уларни яхши гап билан, тўғри йўлга солса бўлади. Ахир, айтишади-ку, «яхши сўз билан илон инидан чиқади, ёмон сўз билан пичоқ қинидан» деб. Ана шу

нақлга амал қилиб кўпчиликни эзгу йўлга солдик. Яхши гапга кўнмаганлари тўхмат, бўҳтон сингари номаъқулчиликларни ҳам қилиб кўришди. Бундайларни маҳалла аҳли ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳукмига ҳавола қилди. Бора-бора маҳалла ва унинг атрофида осойишталик таъминланди.

Мана, ўша дамлар ҳам тарихга айланди. Одамлар ишончини қозонгани, халқни бирдамликка, ҳамжиҳатликка бошлаб келаётгани учун Фатхулла Раҳимов йигирма йилдан буён «Катта Қўйлик» маҳалла фуқаролар йиғинига бош-қош. У кишини кўрганлар ҳеч қачон бир кам саксонга кирган мўйсафид деб ўйламайди. Доимо юзи кулиб турувчи, фариштали инсон ҳеч қачон кўмакка муҳтожлардан ўз ёрдами аямайди. Шунинг учун бўлса керак, кўпчилик у кишини маҳалланинг юзи, дейишади.

— Урушга бормасам-да унинг аянчли оқибатини, одамларга етказган ғам-андуҳларини кўрдим, — дейди отахон. — Оилада беш жон эдик, ҳар биримизга кунига 200 граммдан нон беришарди. Шу нонни олиш учун ҳали тонг отмасдан навбатда турардик. У кунларни биз кўрдик, фарзандларимиз кўрмасин. Баъзида шундай тинч, ҳамма нарса етарли замонда ҳам ёмон йўлга кираётган, ота-онасининг юзини ерга қаратаётган ёшларни кўриб қоламиз. Шундай пайтда улар ўша уруш йилларидаги йўқчиликни кўрмаган-да, шунинг учун тўқчиликнинг қадрига етмаяпти, деб ўйлаб қоламиз.

Беш минг нафардан кўп аҳоли истиқомат қиладиган маҳалланинг бошида бўлиш, бошқача айтганда, одамларнинг «иссиқ-совуғидан» хабардор бўлиб туриш, ҳар хил масалада мурожаат қилиб келаётган фуқароларнинг

дардини эшитиш, муаммосини ҳал қилиш ёки маслаҳат бериш нуруний киши учун осон эмас албатта. Баъзида ҳам жисмоний, ҳам рухий чарчоқни ҳис қилган оқсоқол ўрнини ёшларга бўшатиб, қарилик гаштини суришни, нева-чевараларини ўйлатиб юришни истаб қолади. Лекин маҳалла аҳли бунга рози бўлмайди. Чунки у кишининг бу соҳадаги тажрибалари нафақат маҳаллада, балки бошқа ҳам-касбларига ҳам асқотмоқда.

— Фатхулла акадан ҳаётда кўп нарсани ўрганганман, — дейди Яшнобод тумани фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник Жаҳонгир Азимов. — У кишининг ҳалоллиги, камтарлиги барчага ибрат бўлмоқда. Вақтида менга устозлик қилиб, соҳанинг сир-асрорларини ўргатган, ҳозир ҳам йўл-йўриқ кўрсатиб, керакли маслаҳатлар бериб туради.

— Бу ерда профилактика инспектори бўлиб фаолият кўрсатаётганимга бир йил бўлиб қолди, — дейди катта лейтенант Алишер Мирзахўжаев. — Бошида бироз ҳадик, иккиланиш бор эди. Негаки, катта бозор ёнида жойлашган маҳаллада хизмат қилиш бошқа жойлардагига қараганда янада масъулиятли бўлишни талаб этади. Лекин оқсоқолимиз Фатхулла Раҳимов тўғри йўлни кўрсатди, эътибор қаратишим лозим бўлган жиҳатларни айтиб ўтди. У кишининг ички ишлар идораларида орттирган бой тажрибаси бугунги кунда ҳам биз сингари ёшларга жуда кўл келмоқда.

Фарзандларидан бири Фаррух Раҳимов ҳам ота изидан бориб, кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилди, яқинда эса майор унвонида нафақага чиқди. Адолат ва ҳалолликни ўзига шиор қилиб олган отахон бугун етти фарзанд, 25 нева-ра, 5 чеваранинг ардоғида пиру бадавлат инсонлардан биридир.

Фозил МАМАШАРИПОВ.

## Тадбир

# КЕНГ МИҚЁСДА НИШОНЛАНДИ

**Юртимиз бўйлаб давом этаётган Наврўз тантаналари одамлар орасида меҳр-оқибатни мустаҳкамлаб, миллий қадриятларимизнинг бебаҳо хазиналарини авлодларга тўхфа этяпти. Айём муносабати билан турли миллий ўйинлар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда.**

Республика ИИБ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Тошкент шаҳар марказида ҳам байрамона кайфият ҳукмрон. Бу ерда таълим олаётган тингловчи ва курсантлар билан Наврўз тарихи, унинг маънавийтимизни бойитишдаги аҳамияти хусусида суҳбатлар ўтказилиб, байрам таъми бўлмиш сумалак тайёрланди. Тингловчи ва курсантлар ўртасида бўлиб ўтган волейбол, арқон тортиш, тош кўтариш каби мусобақалар эса барчада катта таассурот қолдирди.

Марказ бошлиғи, полковник И. Самандаров барчани айём билан қизғин муборакбод этиб, мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган жамоаларга эсдалик совғаларини топширди.

Ички ишлар вазирлиги Маданият саройининг ашула

ва рақс ансамбли хушовоз хонандалари томонидан дилрабо куй ва кўшиқлар ижро этилгани тадбирнинг янада кўтаринки руҳда ўтишини таъминлади.

И. ИМОМХЎЖАЕВ.

\*\*\*

**Республика ИИБ Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Олмалик шаҳар марказида ҳам Наврўз умумхалқ байрами кенг нишонланди.**

Унда марказ бошлиғи, полковник Ҳ. Дўсматов сўзга чиқиб, барчани эзгулик айёми билан табриклаб, боқий байрам неча асрлардан буён халқларни яхшиликка чорлаб келаётгани, Наврўз билан боғлиқ урф-одатлар хусусида сўз юритди. Шундан сўнг ИИБ Маданият саройининг ашула ва рақс ансамбли хонандалари ўзларининг чи-

қишлари билан йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади. Шунингдек, таниқли сўз усталарининг ичакузди хангомалари барчага манзур бўлди. Бундан ташқари, марказнинг «Санъат ҳаваскорлари тўғараги» жамоаси сахна кўринишлари ҳам томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Наврўз байрами «Кувноқликка элтувчи баҳслар» деб номланган кўрик-танловга улашиб кетди. Танловда тингловчи ва курсантлардан иборат «Қалқон», «Фемида», «Лочин» ҳамда «Адолат» жамоалари ўзаро беллашди. Уларнинг билим ва дунёқарашлари тест саволлари орқали ҳам аниқланди. Байрамона руҳда ўтган мураси-сиз беллашувлар натижасига кўра, 1-курснинг «Фемида» жамоаси ғолиб, деб топилди.

Тадбир давомида ўқув гуруҳлари ўртасидаги деворий газеталар кўрик-танлови ҳамда футбол, шахмат, стол тенниси, кураш бўйича ҳам мусобақалар ташкил этилди.

Умиджон ҲАМРОЕВ,  
катта лейтенант.

**Андижон вилояти ИИБда ИИБ Қоровул кўшинлари бош бошқармаси Ашула ва рақс ансамбли томонидан концерт дастури намойиш этилди. Ҳар доимгидек, ансамбль санъаткорларининг бу галги чиқишлари ҳам томошабинларда катта таассурот қолдирди.**



## ХИЗМАТГА ҚЎШИҚ ҲАМРОҲ

Концерт олтидан ижодий жамоанинг бадиий раҳбари, майор Отабек Шукуров билан суҳбатлашишга муваффақ бўлдик.

— Баҳорги гастроль сафарини Намангандан бошладик, — дея ҳикоя қилишга киришди майор О. Шукуров. — Тез орада ИИБ Қоровул кўшинларига қарашли ҳарбий қисмда концерт беришни режалаштириб турибмиз. Сўнг Навоий, Бухоро, Қашқадарё вилоятларига, Қорақалпоғистон Республикасига йўл оламиз.

Ансамбль репертуаридан ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги кўшиқлар, ўзбек халқ кўшиқлари, дунё халқлари кўшиқларидан намуналар ўрин олган. Биз осойишталик посбонлари, жонажон юртимиз, баҳор, севги, муҳтарама аёлларимиз ҳақида куйлаймиз.

Яккаҳон хонандаларимиз шартнома асосидаги сержантлар Ш. Баҳодиров, А. Қодиров, кичик сержантлар Д. Абдусаломов, Д. Абдураимова, оддий аскар Д. Бойматов дилдан жўшиб куйлаганида тингловчиларнинг ҳам дил торларини чертиб юборишади.

Санъаткорларимизни ҳеч му-болагасиз универсал, дейиш мумкин. Улар деярли барча мусиқа асбобларини чала олишади. Бундан ташқари, завқингизни кўзгаб кўшиқ ай-тишади, рақсга тушишади. Ўтган йили ижодий жамоамиз «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика танловида фахрли учинчи ўринни эгаллагани бежиз эмас.

Майор О. Шукуровнинг айтганича бор экан. Ансамблнинг Андижон вилояти ИИБдаги концерти ҳам ниҳоятда юқори савияда бўлиб ўтди. Уни томоша қилган ички ишлар идоралари ходимлари, фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган осойишталик посбонларининг оила аъзолари олам-олам завқ-шавқ олишди. Концерт дастуридан сўнг Андижон вилояти ИИБ бошлиғи, полковник Д. Бобожонов ансамбль санъаткорларига шахсий таркиб номидан миннатдорлик билдирди.

Борис КЛЕЙМАН.

Андижон вилояти.

Суратда: концерт дастуридан лавҳа. Муаллиф олган сурат.





## Юксак мукофот соҳиблари

Қишнинг аёзли чилласида Кегейли туманидаги «Абат» овул фуқаролар йиғинида яшовчи М. Палушов хонадонининг тинчи бузилди. Боиси, кўрадаги эчкилар ғойиб бўлганди. Бу хабарни олиши билан ҳудуд профилактика катта инспектори, майор Камалбай Ерниязов ишга киришди: ҳисобда турган ва жиноят қилишга мойил бўлган шахслар билан тезкор суриштирув ишларини олиб борди. Сўнги уч кунда овулга келиб кетганларни суриштирди. Ҳеч бир ҳолат профилактика инспектори назаридан четда қолмади.

Ўзининг кажавали мотоциклида у-бу нарсаларни сотиб юрган шахснинг воқеадан кейин кўринмай қолгани осойишталик побонининг эътиборини тортди. Гумон қилинувчининг шахси ва яшаш манзилини аниқлаб, излаб борганида Ж. Имаматдин кўзларини олиб қочди. Унинг саволларга пойинтар-сойинтар жавоби катта инспекторнинг шубҳасини янада оширди. Қисқа суҳбатдан кейин сўз кудрати ўз кучини кўрсатди. Ж. Имаматдин қиморда ютқазиб қўйиб, қарздан қутулиш мақсадида жиноятга қўл урганини айтди. У сотиб юборган эчкилар эгасига қайтарилди.

Бу воқеа Кегейли тумани ИИБ 79-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Камалбай Ерниязовнинг хизмат фаолиятдан бир шингил, холос. Ҳозирда лавҳамиз қахрамони «Казанкетген» овул фуқаролар йиғини ҳудудида хизмат вазифасини ўтамоқда. 800дан зиёд оила истиқомат қилаётган мазкур овулда иккита умумтаълим, мусиқа ва спорт мактаблари мавжуд. Юз нафардан ортиқ ўсмир милиция таянч пункти қошида – спорт мактаби базасида ташкил этилган турли тўғарақларда спорт билан шуғулланмоқда.



– Кексаларга кўрсатилган иззат-икромдан беҳад мамнунмиз. Энг муҳими, хотиржаммиз. Ахир, оиланг бағрида, фарзандларинг, неварачеваралар даврасида умргузаронлик қилишдан ортиқ бахт борми? – дейди саксон бир ёшли Жақсилиқ ота.

Дарҳақиқат, барча зарурий эҳтиёжлар етарли бўлиши аҳолининг пойтахтга боришига ҳолат қолдирмади. Профилактика инспекторининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бир бинода ҳамжихатликда ишлаш имкониятига эга эканлиги хизмат самардорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Оғир иқлим шароитига қарамасдан туманда кишлоқ хўжалиги соҳасида қутилган натижаларга эришилаётгани ва кишлоқ инфратузилмасининг шаклланаётгани турли миллат вакиллари хамжихатлигини кўрсатади.

Ўз хизмат ҳудудида тинчлик-осойишталикни сақлаш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш профилактика катта инспекторидан масъулият, фидойиликни талаб қилади. Ҳудудда тинчлик-осойишталикнинг муносиб таъминланганлиги, ҳуқуқбузарлик, жиноятларнинг сезиларли равишда камайганлиги, оилаларда соғлом турмуш тарзига риоя этилаётганлиги майор К. Ерниязов ўз касбининг етук мутахассиси эканлигидан далолатдир. Буни овул оқсоқоли Шеразатдин Уснатдинов ҳам мамнуният билан тасдиқлайди.

Майор Камалбай Ерниязов намунали оила соҳибни ҳамдир. Турмуш ўртоғи Гулширин билан икки фарзандни бекаму кўст вояга етказишмоқда. Ватан ҳимоячилари куни уларнинг оиласи учун ҳақиқий байрамга айланди. Боиси, майор Камалбай Ерниязов Президентимиз Фармонига кўра, «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.**  
Муаллиф олган сурат.

## Умидли ёшлар

Бу воқеа Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шаҳрида юз берди. Акбар (исми ўзгартирилган) жазо муддатини ўтаб, озодликка чиққанидан ўзида йўқ шод эди. Балки, ҳаётимни қайтадан бошлайман, энди жиноят кўчасига яқин йўламайман дея аҳд қилган деб ўйларсиз. Қаёқда. Қамокдалигидаёқ озодликка чиққанидан сўнг осон пул топишнинг янги йўларини топаман деб ҳаёлида пишитиб қўйганди.

## МАСЪУЛИЯТ ТҲҲҲҲҲ



Хуллас, беш марта судланиб ҳам тавбасига таянмаган Акбар болаликдаги дўсти Урол хотини билан бирга ишлагани чет элга кетганидан хабар топди. Биринчи кундан оқ пайт пойлаб унинг хонадонига ўғрилиққа тушишни режалаштирди. Ниҳоят ўнинчи куни режасини амалга оширишга киришди. Дераза орқали ичкарига кириб, телевизор, идиш-товоқлар, олти қимматбаҳо ханжарни битта қопга жойлади. Аммо кетишга шошилмади. Яна икки кун шу ерда «меҳмон бўлиб», учинчи куни тун зулматида хонадонни тарк этди.

Орадан икки кун ўтиб, Уролнинг синглиси уйдаги гулларга сув қуйгани келди. Не кўз билан кўрсиники, хонадонга ўғри тушган. Дарҳол бу ҳақда шаҳар ички ишлар бўлимига хабар берди. Ўғрини узоқ излашга ҳолат қолмади. Чунки воқеа жойида қолдирилган бармоқ излари Акбарга тегишли эканлиги тезда аниқланди.

Ушбу жиноят ишини Каттакўрғон шаҳар ИИБ тергов бўлимида терговчиси, катта лейтенант Муродилло Каттақулов тергов қилди. У асосли далиллар ёрдамида ўғри-

ликни Акбар содир этганлигини исботлади. Айбдор саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ёш терговчининг фаолиятдан бунга ўхшаш яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

– Муродилло ҳар бир жиноят ишига ўта масъулият билан ёндашади. Бир қарашда арзимасдек туюлган тафсилотларни ҳам диққат билан ўрганади. Шу сабабдан ҳали ёш бўлишига қарамай ҳамкасблари орасида ҳам, шаҳримиз аҳолиси ўртасида ҳам обрў-эътибор қозонди, – дейди Каттакўрғон шаҳар ИИБ бошлиғи, подполковник Фофур Мавлонов. – Хизматда эришган ютуқлари учун жорий йилда ИИБнинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Лавҳамиз қахрамонидан терговчи қандай бўлиши кераклиги ҳақида сўраганимизда:

– Терговчига қўйиладиган биринчи ва асосий талаб – у жиноят-процессуал қонунчилиги меъёрларига қатъий риоя этиши шарт. Бундан ташқари, яхшигина психолог бўлиши керак, – дея жавоб берди.

Зеро, терговчи томонидан гумон қилинувчининг айбдор ёки айбсизлигини исботлашнинг ўзи бўлмайди. У аниқ бир қарорга келгунича ва бу қарори тўғрилигига тўлиқ ишонч ҳосил қилгунича далиллар тўплайверади. Чунки тергов ҳаракатлари замирида инсон тақдири ётади. Буни катта лейтенант М. Каттақулов юракдан ҳис этади.

**Дилбар САЛОҲИДИНОВА.**

Суратда: катта лейтенант Муродилло Каттақулов.

Муаллиф олган сурат.

Ўқитувчи терговчиликнинг ўзига хос жиҳатларини ҳаётини мисоллар орқали тушунтирар экан, тингловчилар қалбида ушбу соҳага бўлган иштиёқ ортиб борди. Осойишталикни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўнглига туккан Сардор ҳам бўлғуси қийинчиликларга ўзини руҳан тайёрлаб, соҳага оид билим ва кўникмаларни пухта ўзлаштиришга интиларди... Кўп ўтмай тингловчилар ИИБ Академиясини тамомлаб, хизмат жойларига йўл олишди.



## ТАЖРИБАСИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани ИИБ тергов бўлими терговчиси, лейтенант Сардор Суяров хизматни бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмади. Шу қисқа вақт ичида ўзининг тиришқоқлиги, интилувчанлиги билан эътибор қозонди. Унга мураббий этиб бириктирилган бўлинма бошлиғи, майор Саидахмад Акмаловдан хизматга оид ҳужжатларни юритиш, фуқаролар билан ишлаш йўл-йўриқларини ўрганди. Шу билан бирга, тергов жараёнида ҳам фаол иштирок этди.

– Сардор ўзининг билими, синчковлиги, тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан ишонччи оқлапти, – дейди майор С. Акмалов. – Ҳозирга қадар ўғрилиқ, безорилиқ каби ўттизга яқин жиноятларни мустақил тергов қилиб, муваффақиятли якунлади. Иш фаолиятида бирор муаммога, қийинчиликка дуч келса, албатта, мурожаат қилади. Биз ҳам ундан ёрдамимизни аямаймиз.

Сардор Суяровга давлат чегарасини бузганликда гу-

мон қилинган фуқарони Оҳангарон тумани ИИБ тергов қилиш топширилди. Дастлабки тергов жараёнида ўзини Бахтиёр деб таништирган бу кимса шахсини тасдиқловчи ҳужжатини йўқотиб қўйганини билдирди. Бироқ тез орада унинг ёлғон кўрсатма бергани, аслида фарғоналик М. Достон экани ойдинлашди. Коса тагида нимкоса борлигини сезган ёш терговчи бу борадаги мулоҳазаларини устози билан ўртоқлашди. Саидахмад Акмалов ҳам унинг фикрини маъқулади, тегишли маслаҳатларини берди. Суриштирувлар натижасида ғиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғуллангани учун М. Достонга нисбатан қидирув эълон қилингани маълум бўлди.

Туман ИИБга Эйвалик кўрғонидида яшовчи С. Мўмин кимдир тунда молхонасига кириб, қўқорини ўғирлаб кетгани тўғрисида мурожаат қилди. Бу жиноятни фош этишни ўз зиммасига олган С. Суяров енг шимариб ишга киришди. Тезда кўниқўшнлардан суриштириб,

ўша куни тонгда Б. Муроднинг уйида қўқор сўйилганини билиб олди. У аввалида «Мен ҳеч қандай қўй сўймаганман» деб туриб олди. Холислар иштирокида кўздан кеңилганида ҳолиснинг бурчагида қон доғлари ва яқинда кавлаб қайта кўмилган жой топилди. Бу ердан эса жабрланувчига тегишли қўқорнинг калла-посчаси ва териси чиқди...

Ҳа, лейтенант Сардор Суяров ёшлиқнинг зўр ғайрат-шижоати билан эл-юрт осойишталигини таъминлашга, содир этилаётган жиноятларни ўз вақтида фош этишга бел боғлаган. Шу хайрли мақсад йўлида жон қийдириб хизмат қилмоқда, қолаверса, соҳа сирасорларини ўрганишдан асло тўхтагани йўқ. Бу унинг келгусида етук мутахассис бўлиб етишишидан далолатдир.

**ИНОМЖОН РАҲИМҲУҲАЕВ, сержант.**

Суратда: лейтенант С. Суяров устози, майор С. Акмалов билан. **АБУ КЕНЖАЕВ** олган сурат.

Лейтенант Бахтиёр Ядгоровнинг Вобкент тумани ИИБ ХООБ профилактика инспектори вазифасида хизмат қилаётганига икки йилдан ошди. Ўтган даврда у фаолият кўрсатаётган «Кумушкент» қишлоқ фуқаролар йиғинининг Сариосиё ҳамда Розмоз маҳаллаларида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар кескин камайди.

Баъзида оилаларда келиб чиқаётган ўзаро келишмовчилик ёки жанжалларни яраштирув комиссияси аъзолари билан биргалликда ҳал этаётгани учун аҳолининг ҳам унга бўлган ишончи ортиб бормоқда. Шунингдек, унинг қўшни маҳаллалардаги ҳамкасблари билан олиб бораётган ҳамкорлиги ҳам таҳсинга лойиқдир.

Яқинда лейтенант Б. Ядгоровга бир фуқаро мурожат қилиб, «Саидбобо» ошхонасида кечаси қимор ўйини ташкил этилаётганини айтиб қолди. Бу ошхона Хўжа-работ маҳалласида жойлашган бўлса-да, унга бефарқ қараб бўлмасди. Шунинг учун Бахтиёр зудлик билан маҳалла фаолларини милиция таянч пунктига тўплаб, улардан маслаҳат олди. Кўпни кўрган фаоллар:

— Олдинга биз ошхонани кузатиб кўрайлик. Бал-

ки, фуқаро ошхона эгасига хусумати бўлгани учун тўхмат қилаётгандир. Гапирот бўлса ёки шубҳали нарса сезиб қолсак, сизга билдирамиз, — дейишди.

Лавҳамиз қаҳрамони ҳамкасби капитан Азим Жўраевга худудида қимор ўйини пайдо бўлганини маълум қилиб, унга қарши дастлабки кўрилган чорани айтди.

— Жуда яхши ўйлабсиз, — деди капитан А. Жўраев унинг ишини маъқуллаб. — Аввало, уларнинг мавжудлигини аниқлаб олайлик. Шундан кейин қўшимча кучларни чақирамиз. Қиморбозларни фош қилиш осон кечади.

Профилактика инспекторлари ва маҳалла фаолларининг икки кунлик кузатишлари бесамар кетди. Учунчи кунга эса кечки пайт ошхонага нотаниш кишилар келганини фаол-

## ЎЗ КАСБИГА СОДИҚ ХОДИМ

лардан бири кўриб, осойишталик посбонини огоҳлантирди. Киши билмас кузатишлар мобайнида ошхонанинг яширин хонасида ҳақиқатан ҳам қимор ўйналаётгани маълум бўлди. Профилактика инспекторлари бу ҳақда туман ИИБ навбатчилик қисмига хабар берди. Шундан сўнг профилактика инспекторлари ҳамда туман ИИБ ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакиллари ҳамкорлигида режа ишлаб чиқилди. Биринчи бўлиб профилактика инспекторлари ошхонага киришди ва нотаниш кишилар ўтирган хонада қимор ўйини бўлаётгани устидан чиқиб қолишди. Қиморбозлар кутилмаган «меҳмон»ларни кўриб, саросимага тушиб қолишди ва қочишга ҳаракат қилишди. Улардан бири лейтенант Б. Ядгоровга ташлаиб қолди. Бахтиёр кўл жангини

яхши ўзлаштирганлиги боис, бир-икки усул билан қочқоннинг қўлини қайирди. Бу орада тезкор вакиллар етиб келиб, қиморбозларни қўлга олди. Қимор ўйини ташкилотчиси — ошхонанинг иш юритувчиси Ф. Одил (исми-шарифи ўзгартирилди) бўлиб чиқди.

Ушбу жиноятни фош этиш ва қонунбузарларни қўлга олишда ҳудуд профилактика инспекторлари, хусусан, лейтенант Б. Ядгоровнинг хизмати катта бўлди, дейиш мумкин. Бу ҳақида унинг ўзини сўраганимизда: «зимамдаги вазифамни бажардим, холос», деб жавоб берди.

Ҳа, лейтенант Бахтиёр Ядгоров хизмат қилаётган ҳудуд бугун ҳар соҳада ижобий ютуқларга эришиб келмоқда. 6500 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудда

тинчлик-осойишталик ҳукмрон. Аҳолининг ақсарияти ижтимоий фойдали меҳнат билан банд. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллар ҳам баъзи-баъзида учраб туради. Профилактика инспектори бундай шахсларга нисбатан муросасиздир. Имкон топди дегунча мактаб, коллеж ва бошқа муассасаларга ташриф буюриб, кенг аҳоли орасида учрашув ҳамда суҳбатлар ўтказиб келаяпти.

Бир сўз билан айтганда, лейтенант Б. Ядгоров эл ташвишини ўйлаб, маҳалла фаоллари билан ҳамжиҳатликда ҳудуд осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатиб хизмат қилмоқда.

Мирзокул АҲАДОВ.

Бухоро вилояти.

## ЖАДАЛ ДАВОМ ЭТАЯПТИ

Мамлакатимиз фуқароларига биометрик паспорт бериш жараёни изчиллик билан давом этмоқда. Жумладан, Хўжаобод тумани ИИБ паспорт бўлинмасида ҳам бунга катта эътибор қаратилиб, фуқароларнинг ҳеч бир қийинчиликларсиз паспорт олишига шарт-шароитлар яратилган.

— Ўтган йилда 18 минг нафардан зиёд фуқарога янги биометрик паспорт берилди, — дейди туман ИИБ паспорт бўлинма бошлиғи, сержант Давронбек Холмирзаев. — Бўлинма-мизда фуқаролик ҳужжатини олишга келганларнинг навбат кутиб қолмаслиги учун зарур чоралар кўрилган. Ун олти ёшга тўлган йигит ва қизларга, эски нусхадаги паспортнинг амал қилиш муддати тугаган фуқароларга, хорижий давлатларга бормоқчи бўлганларга биринчи галда паспорт берилмоқда. Фуқаро-ларимизнинг вақтини тежаш ва оворагарчиликларга йўл қўймаслик мақсадида тумандаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари учун ҳафта кунларига навбат белгиланган. Шу боис ҳам навбат кутишга ҳожат қолмаяпти.

Республикамизнинг чегара худудида жойлашган ушбу туманда паспорт тартиботига бошқа жойлардагига қараганда эътиборлироқ бўлиш талаб этилади. Чунки юртимизга кириб келаётган ёки шу

Жойларда паспортнинг шахсни белгиловчи муҳим ҳужжат экани, унга бефарқ бўлмасдан, асраб-авайлаш лозимлиги ва



ерда вақтинча яшаётганларнинг барчаси ҳам қонун-қоидага амал қиляпти, деб бўлмайди. Масалан, паспорт бўлинмаси ходимлари ва профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ўтказилган текширишлар мобайнида ўтган йили паспорт қоидасини бузган 982 нафар шахсга нисбатан чора кўрилди. Шунингдек, 167 нафар МДХ мамлакатлари фуқаролари Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидасини бузганликларини учун юртимиздан чиқариб юборилди.

мавжуд тартиб-қоидаларга амал қилиш зарурлиги ҳақида суҳбатлар ўтказиб туриш ҳам аънамага айланган. Айниқса, коллежларда биринчи марта фуқаролик ҳужжатини олган ёшлар билан бу борада савол-жавоблар уюштириш яхши йўлга қўйилган.

Азизхон БУЗРУКОВ.

Андижон вилояти.

Суратда: сержант Давронбек Холмирзаев фуқаронинг биометрик маълумотларини жамламоқда.

Б. ТОШТЕМИРОВ олган сурат.

Жорий йилнинг ўтган даврида Янгиобод туманида бир марта ёнғин содир бўлди. Чаканди қишлоғида яшовчи Х. Уктамнинг хонадонидан печнинг мўриси носозлиги туфайли ёнғин келиб чиққан. Бу ҳақда хабар олиниши заҳоти туман ИИБ ЁХГ 15-қасбий-лаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмининг иккита экипажи етиб келиб, офатни бартараф этди.

## ПРОФИЛАКТИК ИШЛАР

### турли кўнғилсизликларнинг олдини олади

Одатда қишлоқ жойларда ёнғинлар қиш ойларида кўпроқ содир бўлади. Газ ва электр иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, ўтин, кўмир ёқиладиган печлар мўрисини вақтида тозаламаслик, пичан, сомонларни ўй, молхона томларига ғарамлаш каби ҳолатлар оқибатида ёнғин келиб чиқади.

Қиш тугаб, кунлар иситиш билан ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши енгиллашади, деб бўлмайди. Чунки бепарволик, лоқайдлик ва эътиборсизлик туфайли ҳар лаҳзада ёнғин келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳам жойларда профилактик тадбирларга жиддий эътибор қаратиш керак.

Гарчи, туманда ёнғинлар сони кескин камайган бўлса-да, ходимларимиз хотиржамликка берилаётгани йўқ. Вилоятнинг энг чекка ҳудуди ҳисобланган туманимиз аҳолиси асосан лалми ерларда чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланади. Йил бошидан бери тумандаги мактаб, коллеж ва болалар боғчалари, шунингдек, хонадонларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолати ўрганиб чиқилди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлиги учун 27 нафар масъул шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Текширувлар давомида ёнғин хавфсизлиги таъминланмаган агрегатларнинг иш фаолияти тўхтатилиб, носоз электр ва газ ус-

куналаридан фойдаланиш тақиқланди.

Аҳоли турар жойларида ўтказилган текширувлар давомида фуқаролар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидалари хусусида суҳбатлар ва тушунтириш ишлари олиб борилди. Бу борада қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, мактаб, коллежлар педагогик жамоаси, ташкилотлар мутасадди раҳбарларининг ёрдамига таянамиз. Жойларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш, бирламчи ўт ўчиргич воситаларини ишлатиш, ёнғин содир бўлганда амалга ошириладиган ишларни ўргатишда 15-КЎХҚ смена бошлиғи Жўрабек Махманзаров, инспектор Улуғбек Турсунбоев, ёнғин ўчирувчилар Фаррух Раззоқов ва Фулом Элмуродов сингари ходимлар ўрнатилган кўрсатаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Баъзилар ёнғин хавфсизлигини таъминлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини содир бўлган офат бартараф этилганидан сўнг тушуниб етади. Ёнғиннинг олдини олишга эса ҳамма ҳам эътибор беравермайди. Биз одамларни лоқайдлик қилмасдан ҳамиша хушёр бўлишга, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига доимо риоя этишга чақирамиз. Бунинг учун барча имкониятларни ишга солаёلمиз.

Аваз ХОЛМУРОДОВ, сержант.

Жиззах вилояти.

## ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

## ИЗЛАР БИЛАН ТИЛАШИБ



**Бўка шахрида хусусий тадбиркор А. Фуркатга тегишли озик-овқат дўконидан бир миллион сўмлик маҳсулотлар йўқолади. Бу ҳақда хабар берилгач, туман ИИБ тергов-тезкор гуруҳи воқеа жойига келиб, суриштирув ишларини бошлаб юборади. Гуруҳ таркибида келган туман ИИБ ЭКГ катта эксперти, майор Абдузоҳид Алишов бир неча жойдан бармоқ изларини олади. Изларни солиштириш ва аниқлаш учун Тошкент вилояти ИИБ ЭКБдаги «СОНДА» автоматлаштирилган дактилоскопик идентификация тизими орқали текшириб кўрилди. Бу излар шу туманда яшовчи А. Ҳаётга тегишли эканлиги аниқланди.**

Номаълум шахс тумандаги Й. Ҳожиметов номли фермерлар уюшмасида яшовчи А. Хуршидга тегишли «Ласетти» русумли автомашина салони ичидан автомагнитола ва колонкаларини ўғрилаб, яширинади. Воқеа жойини кўздан кечириш вақтида олинган уч дона оқ рангли скотч бўлакларидан излар А. Саидмурторнинг қўл-бармоқ излари-

га мос келди. Экспертнинг саъй-ҳаракати билан жиноят «иссиқ изида» фош этилди.

Жойларда содир этилаётган жиноятларни фош этишда ва жазонинг муқаррарлигини таъминлашда эксперт-криминалистика хизмати ходимларининг хиссаси катта бўлмоқда. Айниқса, хонадон ўғрилиги, автомашиналардан пул, бу-

юмларни ўмариш жиноятларини очишда воқеа жойида қолдирилган бармоқ изларини солиштириш йўли билан кўплаб жиноятлар очилмоқда. Бу борада Бўка тумани ИИБ ЭКГ ходимлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ибратли бўлаяпти.

Жорий йилнинг ўтган даврида соҳа ходимлари тергов-тезкор гуруҳи таркибида 25 марта воқеа жойларига чиқишди. Тезкор-қидирув тадбирлари давомида ўндан ортиқ ҳар хил турдаги ашёвий далиллар олинган.

– Ўғрилиқ жиноятдан тўртта ҳолатда қўл-бармоқ излари олинди, «СОНДА» АДIT орқали текшириш учун юбордик, – дейди туман ИИБ ЭКГ катта эксперти, майор А. Алишов. – Беш марта баллистик, уч марта трасологик тадқиқотлар ўтказилган. Бундан ташқари, ходимларимиз туман ҳудудида ўтказилган «Тозалаш-Антитеррор» ва «Спитамен» тадбирлари давомида соҳавий хизматлар вакиллари яқиндан ёрдам беришди.

**Садриддин ШАМСИДИНОВ.**

*Тошкент вилояти.*

*Суратда: катта эксперт, майор Абдузоҳид Алишов ва терговчи, катта лейтенант Нодир Соибназаров ашёвий далилни кўздан кечирмоқда. Муаллиф олган сурат.*

**Сирдарё вилоятида аҳоли орасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш борасида вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБга бевосита бўйсунувчи Карантин тадбирларини таъминлаш милиция взводи шахсий таркиби томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Давлат ва нодавлат ташкилотлар билан биргаликда олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар ҳудудда санитария-эпидемиологик вазиятни яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.**

## КЕСКИН ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

Барча шаҳар ва туманлардаги деҳқон бозорларида ветеринария-санитария қоидаларига риоя этилиши доимий равишда назорат қилинмоқда. Хусусан, яқинда вилоят Солиқ ҳамда Ветеринария бошқармалари ходимлари билан ҳамкорликда Гулистон шаҳар Марказий деҳқон бозори гўшт павильонида тадбир ўтказилди. Тадбир давомида фуқаро Х. Ориф тегишли ҳужжатларсиз, боз устига, ветеринария лабораторияси кўригидан ўтказмасдан гўшт сотаётгани аниқланди. Қонунбузарга нисбатан ўрнатилган тартибда чора кўрилиб, унга тегишли бўлган 50 килограмм гўшт савдо растасидан олиб кўйилди.

Вилоятга олиб кирилаётган чорва моллари, паррандалар, шунингдек, гўшт ва сут маҳсулотлари ветеринария ходимлари билан ҳамкорликда текширувдан ўтказилмапти. «Сирдарё» ИПХ маскани, «Чинобод» ва «Сайхун» милиция блок-постларида автотранспорт воситалари текширувдан ўтказилиб, ветеринария-санитария ва ташқи қоидаларини бузганлиги учун қирқ нафарга яқин фуқароларга маъмурий баённомалар расмийлаштирилди ҳамда тегишли чоралар кўрилди.

Кутуриш ниҳоятда хавfli юқумли касаллик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам одамлар ва ҳайвонлар орасида ушбу касаллик тарқалишининг олдини олишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Мутасадди ташкилотлар вакиллари билан биргаликда тур-

ли тадбирлар ташкил этиляпти. Вилоят маркази ҳудудида ўтказилган навбатдаги ана шундай тадбирда махсус гуруҳлар томонидан юздан ортиқ қаровсиз, дайди итлар йўқ қилинди. Шунингдек, уй ҳайвонларини сақлаш тартиб-қоидаларини бузган ўттиз нафарга яқин фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шу ўринда сержант Илҳом Рискулов, кичик сержант Дилмурод Ҳайдаров ва сафдор Жумабой Ёқубов хизмат бурчини бажаришда барча ҳамкасбларига ўрнак бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Бу ходимлар томонидан ўтказилаётган текширувлар давомида кўплаб ҳуқуқбузарлик, қоидабузарлик ҳолатлари аниқланиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Карантин тадбирларини таъминлаш милиция саф бўлинмаси шахсий таркиби томонидан амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш билан бирга, одамлар, уй ҳайвонлари орасида турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, жойларда сотилаётган озик-овқат маҳсулотларининг ҳам сифатли, истеъмол учун хавфсиз бўлишига эришиш, бу борадаги қоидаларнинг бузилишига йўл қўймасликдан иборатдир. Бунинг учун взводи-миз ходимлари бундан кейин ҳам бор имкониятларини сафарбар этаверади.

**Ҳабибулло НИШОНОВ,**  
сержант.

*Сирдарё вилояти.*

## «101» ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўтган ҳафтада республикамиз ҳудудида 203 та ёнғин қайд этилди. Турли сабабларга кўра содир бўлган ёнғинларда уч нафар фуқаро тан жароҳати олиб, икки киши ҳаётдан кўз юмди. Ушбу ёнғинлардан 982 млн. сўмлик қурилиш материаллари ва 1 млрд. 60 млн. сўмлик моддий бойликлар сақлаб қолинди.

**Тошкент шаҳар Яшнобод туманида** яшовчи М. Асатиллаевнинг хонадонида электр симларининг эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолгани сабабли қисқа туташув юз бериб, ёнғинга айланган. Натижада уйдаги жиҳозлар, том ва шифт қисми ёниб зарарланган.

**Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида** Б. Руфатовнинг хонадонида содир бўлган ёнғинни ўчириш вақтида унинг жасади топилди. Ёнғин сабаби ўрганилганида, Б. Руфатов уйда маст ҳолда сигарет чекиб ухлаб қолгани ва чўғ ўринга тушиб, у тутундан димиқиб ҳаётдан кўз юмгани маълум бўлди.

**Сурхондарё вилояти Сарийосиё туманида** яшовчи фуқаро Т. Саидова электр иситиш мосмаси устига матоларни қуритиш учун ёйиб қўяди ва қаровсиз қолдиради. Ёнғин хавфсизлиги талабларига зид бўлган бу ҳолат ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлди. Ёнғин ачинарлиси, ушбу хонада ухлаб ётган икки ёшли қизча тутундан захарланиб ҳаётдан кўз юмган.

Газ, электр асбобларининг назоратсиз қолдирилиши, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик, лоқайдлик ва эътиборсизликнинг оқибати кўнгилсиз воқеалар билан тугаши ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шу боис электр асбоблари ишлатилаётган хонада болаларни ёлғиз қолдирманг. Электр ва газ асбоб-ускуналарини вақти-вақти билан мутахассислар кўригидан ўтказиб туришни унутманг.

**Жалолiddин ҲАКИМОВ,**  
майор.

## ИИБ Матбуот хизмати хабарлари

## ТАЛОНЧИ ҲАМШАҲАРИ ЭКАН

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида В. Жамолни номаълум шахс куч ишлаши йўли билан кўрқитиб, «Нокия» русумли уяли телефонини тортиб олади ва воқеа жойидан яширинади. Шаҳар ИИБ ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ушбу талончиликни мазкур шаҳарда яшовчи Я. Ботир содир этгани фош қилинди ва у қўлга олинди.

## ЛОҚАЙДЛИГИ ПАНД БЕРДИ



Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани Чиганоқ қишлоғида яшовчи И. Фаррух «ВАЗ-2121» русумли автомашинасини Омонбой қишлоғи ҳудудида қаровсиз қолдиргани қимматга тушди. Бироз вақтдан сўнг автомашинани номаълум шахс ўғрилаб кетади. Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қидирув-суриштирув ишлари олиб борилгач, автомашина туманнинг Араблар маҳалласи ҳудудида ҳаракатланаётганлиги аниқланди. Автомашинани ҳайдаб қочган каттақўрғонлик Ш. Семён ушланди.

## ЎЗГАНИНГ ИШОНЧИГА КИРИБ...

Номаълум шахс пойтахтимизнинг Қўйлик даҳасида Андижон вилояти Жалолқудуқ туманида яшовчи хусусий тадбиркор У. Равшаннинг ишончига кириб, тўрт миллион сўм пулини олиб кета-

ди. Жабранувчи алданганини билгач, ички ишлар идорасига мурожаат қилади. Олиб борилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида гумон қилинувчи қўлга олинди. У Андижон туманида яшовчи А. Фарҳод экан.



## БИРОВНИНГ МОЛИ БУЮРМАДИ

Эрта тонгда уч нафар кимса Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида яшовчи О. Аманнинг хонадонига бостириб кириб, бир миллион икки юз минг сўм пули ва 3500 АҚШ долларини олиб воқеа жойидан яширинишади. Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар ўз натижасини берди. Мазкур босқинчиликни ушбу шаҳарда яшовчи Ж. Аббас, М. Қасим ва У. Алибек содир этгани аниқланиб, улар ички ишлар бўлимига олиб келинди.

## ЖАНЖАЛ ЖИНОЯТГА БОШЛАДИ

Фарғона вилояти Қувасой шаҳрида яшовчи, хусусий корхоналардан бирида пайвандчи бўлиб ишловчи А. Раҳим ҳамкасби О. Улуғбек билан гап талашиб қолади. Жанжал жараёнида А. Раҳим рақибининг қорнига тиг санчади. Жабранувчи шифохонага ётқизилди. Ҳозирда мазкур ҳолат бўйича жиноят иши кўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Шерали АНВАРОВ,**  
майор.



## Маърифат ва сиёсий ўқиш

**Амир Тему́р ўрта асрларнинг улуг давлат арбоби, буюк саркарда, кучли марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, Амир Тему́р даври Ўзбекистон тарихида алоҳида ўринга эга. Ушбу даврда нафақат мўғулларнинг бир ярим аср давом этган истибдодига чек қўйилди, балки маҳаллий давлатчилик ривожланишида катта ютуқлар қўлга киритилди. Соҳибқирон узок вақт давом этган сиёсий тарқоқлик ва мустамлака тизимига барҳам бериб, марказлашган давлатни қайта тиклади ва жаҳон тарихида чуқур из қолдирган буюк салтанатга асос солди.**

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси билан Соҳибқироннинг миллат ва давлат равнақидаги буюк хизматлари эътироф этилган ҳолда унинг 660 йиллиги 1996 йили халқаро миқёсда кенг нишонланди. Соҳибқирон шахсига бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Таъкидлаш лозимки, Амир Тему́р ўз даврида «Куч – адолатда» шиорини давлат сиёсати мавқеи даражасига олиб чиқди. Умри давомида Соҳибқирон бу шиорни ўзига дастуруламал қилиб олди. Тему́р давлатидаги бу ахлоқий-маънавий мезон ҳамма даврлар учун эътиборли бўлиб, ҳозирги кунга қадар инсоният ҳаётида долзарб аҳамият касб этмоқда. Амир Тему́р ҳарбий санъат, солиқ сиёсати, раиятга муносабатда, ўз давлат бошқаруви тизимида, қўл остидагиларга муносабатда ҳам ушбу тамойилга қатъий амал қилди.

Амир Тему́р ўз ҳукмронлиги даврида мутаассиблик, айирмачилик, мазҳабчилик кўринишларига йўл бермади. Осойишталик, тинчлик-хотиржамлик, хавфсизлик борасида аҳамиятга молик ишларни амалга оширди. Бу хусусда Соҳибқирон, «... салтанатининг у четидан бу четигача бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим», дея қайд қилган эди.

Амир Тему́рнинг давлатни муваффақиятли бошқаришида пирлари Зайниддин Абу Бакр Тойбодий, Шайх Саййид Барака ва бошқаларнинг ўрни катта бўлган. Жумладан, биринчи пири Соҳибқиронга салтанат ишларида тўрт нарсага – кенгаш, машварату-маслаҳат, қатъий қарор, тадбиркорлик ва хушёрлик, эҳтиёткорликка амал қилишни ўзининг Ҳиротдан ёзган хатида маслаҳат берган эди. «Тему́р тузуқлари» асарида уларнинг шундай насиҳатларини ўқиймиз: **«Салтанатни бошқаришда машварату-маслаҳат ва тадбиркорлик билан иш юргизгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмагайсан. Хуллас, бажарилиши шарт бўлган тадбирларнинг таърифидан ва зикридан сўнг (шунинг таъкидлаш лозимки) қатъийлик, сабр, чидамлик, соғлиғу-сергаклик, эҳтиёткорлик ва шижоат**

**билан барча ишлар амалга оширилур. Вассалом».**

Амир Тему́р пирларининг кўрсатмаларига содиқлик билан амал қилган ҳолда дав-

**сиз, лоқайд кишидан яхшироқдир»** деган фикрлари ҳозирда ҳам ижтимоий ҳаётда долзарб аҳамият касб этса, **«Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар»** деган ибораси одамни ҳаммаша ўз ақл-заковати, илм-маърифат асносида ҳаёт кечирришга чақиради. Амир Тему́рнинг **«Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззат-икром кўрсатдим»**, деган сўзи унинг ички маънавияти бойлигидан дарак беради. XXI аср баркамол авлодини тарбиялашда, уларнинг маъна-

ри ва умуман, салтанатда чаётган жараёнлар билан боғлиқ ишлар олий девон зиммасида бўлган. Олий девонда ҳар куни тўрт вазир, яъни ижроия идоралари номидан бош вазир, ҳарбий вазир, мулкчилик-солиқ ишлари вазири, молия вазири ҳозир бўлиб, ўзига хос равишда ҳукмдорга ҳисоб бериб турган.

Амир Тему́р давлат қурилишига жиддий эътибор бериб, давлат идораларини уддабурон, қобилиятли раҳбарлар билан мустаҳкамлаш тадбирларини кўрди ва ўзи ҳам «Тему́р тузуқлари»да таъкидлаганидек, **«дўсту душман билан (муомалада) бир текис йўл тутди»**. Жумладан,

**ла уйларини ёритувчи бир узун пилик мисоли эди. Улардан бирининг қабила-си арлот, иккинчисиники жалоёр, учинчисиники қовчин, тўртинчисиники барлос деб аталарди. Тему́р тўртинчи қабила ўғлони эди».**

Вазирларнинг барчаси ҳар куни девонхонада бўлиши шарт қилиб қўйилган. Уларга юклатилган вазифалар аниқ белгиланган. Чунончи, биринчиси мамлакат ва раият (солиқ) вазири бўлиб, бу мамлакатдаги муҳим ишларни, кундалик муаммоларни, раият аҳволини, виллоятлардан олинган ҳосил, солиқ-ўлпонлар, уларни тақсимлаш, кирим-чиқимларни, ободонлаштириш, меҳнаткаш омма фаровонлиги билан шуғулланарди. Иккинчиси сипоҳ вазири бўлиб, унга сипоҳларнинг маошлари, уларнинг тарқоқ ҳолга тушиб қолмасликлари учун доимо сипоҳ аҳволидан хабар олиб туриш вазифаси юклатилганди. Вазирлардан учинчиси – эгасиз қолган, ўлиб кетган ва қочганларга тегишли молларни, савдогарлар мол-мулкидан олинаётган закот ва божларни, мамлакат чорваларини, уларга тааллуқли бўлган ўтлоқ ва яйловларни бошқариб, буларнинг ҳаммасидан йиғилган даромадларни омонат сақлаш мажбуриятини бажарарди. Шунингдек, бу вазир бедарак йўқолганлар ва ўлганларнинг мол-мулки бўлса, уларни меросхўрларига топширган. Ниҳоят, тўртинчиси, салтанат ишларини юриштириш, у ҳамма салтанат идораларининг кирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинадиган харажатлар ус-тидан огоҳ бўларди.

XIX асрда яшаб ижод этган фарб тарихнависи В. Череванский ўзининг «Икки тўлқин» асарида: **«Амир Тему́р ўз давлатида тўла адолатни таъминлаш мақсадида ўз ҳаракати ва сўзларини кўзатиб бориш учун икки назоратчи тайинлаганини, улар ҳар куни соҳиб салтанат фаолиятини назардан ўтказиб, пировардида, унинг нотўғри сўзи, ҳукми, ҳаракати хусусида маълум қилишларини»** ёзади. Улардан бири Маҳмуд Шаҳоб, иккинчиси Насриддин ал-Арамир бўлган.


Яна бир ҳолат эътиборни ўзига тортади. Амир Тему́р ўзининг давлат аппаратида арзбеги лавозимини жорий этган. Арзбеги сипоҳ, раият ва арздод қилиб Соҳибқирон ҳузурига келувчиларнинг аҳволи, мамлакатнинг обод-харобалиги, муҳим ишлардан қайси бири битмаганлиги хусусида ахборот бериб турган.

Шунингдек, буларга вақф ерлари ва бошқа вақф мулкларининг ҳисоб-китобини олиб борувчи мансабдор – садрлар, садри-саййидлар ва бошқа арбобларга суюрғол сифатида берилган ерлар ва вақфларнинг аҳволи, уларга доир вазифаларнинг қай тарзда бажарилаётганлиги хусусида Соҳибқироннинг ўзига доимо ахборот бериб турилган.

# КУЧ – АДОЛАТДА

9 апрель — Амир Тему́р таваллуд топган кун

латни бошқариш усуллари-нинг барча соҳаларига жиддий эътибор берди ва ҳар доим бу кўрсатмалар унинг диққат марказида бўлди. Натихада марказлашган давлатни вужудга келтириш, уни адолатли бошқариш ва мустаҳкамлашда муваффақиятларга эришиб, ўзига қарам бўлган мамлакатларнинг тинчлигини таъминлади. У энг аввало, ўз давлатини бошқаришда кенгашга эътибор берди. Кенгаш ўтказиш, унда қатнашувчиларнинг да-



вазирларни танлашда Соҳибқирон тўрт сифатга қаттиқ эътибор берган. Булар биринчиси – аслик, тоза наслик; иккинчиси – ақл-фаросатлилик; учинчиси – сипоҳи-раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалада бўлишлик; тўртинчиси – сабр-чидамлик ва тинчликсеварлик.

Соҳибқирон вазирларни танлашда уларнинг шу сифатларга эга бўлишини инобатга олиш билан бирга, уларнинг ҳар бир масалада ҳар

ражаси бўйича жойлашиши ҳозирги даврда ҳам диққатни тортади. Бу хусусда «Тему́р тузуқлари»да қизиқарли мисоллар келтирилган.

«Тему́р тузуқлари» ҳаёт синовларини бошидан ўтказган, бир умр эл-юрт, салтанат ташвиши билан яшаган фидойи шахс, буюк давлат арбобининг йў-фикрлари, мушоҳада ва кечинмаларни ўз ичига жо қилган. Соҳибқироннинг **«Салтанат ишларининг тўққиз улушини машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улушини эса қилич билан бажо келтириш зарур»**, деган кўрсатмаси XXI аср сиёсат майдони учун, муаммоларни ҳамжihatликда ечишга даъват тарзида кўрсатиш мумкин. **«Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбир-**

вий оламини бойитишда «Тему́р тузуқлари» шубҳасиз, катта аҳамият касб этади.

Амир Тему́р қудратли давлатни барпо этар экан бошқарув тизимини янада такомиллаштириб боришга алоҳида аҳамият берди. Жамият ривожидан барча ижтимоий табақалар иштирок этишини таъминлади. Жамият 12 табақага ажратилиб, ҳар бирининг мавқеи, манфаатларини, шунга мувофиқ келадиган давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари белгиланди.

Унинг даврида бошқарув икки идорадан, яъни даргоҳ ва вазирликлардан иборат бўлган. Даргоҳ тепасида олий ҳукмдорнинг ўзи турган. Мамлакат ва давлат аҳамиятига молик масалалар унинг кўрсатмаси билан ҳал этилган. Даргоҳ фаолиятини бошқариш, унинг вазирликлари, маҳаллий ҳокимият идорала-

доим одил бўлиши, ақл-заковат билан ишлаши учун ҳаракат қилган. У Мовароуннаҳрда ўзининг якка ҳукмронлигини ўрнатгандан сўнг, тўртта вазир тайинлади ва уларга мамлакатда энг муҳим ишларни бажариш вазифасини юклатди. Яна энг эътиборлиси шундаки, тайинланган вазирлар мамлакатда мавжуд бўлган қабилалардан танлаб олинган эди. Бу масала Ибн Арабшоҳнинг «Амир Тему́р тарихи» китобида шундай тавсифланган: **«Улар (вазирлар) мамлакатнинг (кўзга кўринган) аъёнлари ҳисобланиб, бошқа ҳар бир кимса улар фикрларига иҳтизо этарди. Арабларда қанча бўлса, туркларда ҳам қарийб шунчалик қабила ва гуруҳлар бордир. Ўша вазирлардан ҳар қайсиси бир қабилага мансуб бўлиб, ўз фикр чироғи билан у қаби-**

Амир Темур ўз давлатининг ташқи ва ички сиёсатида алоқадор масалаларни кенгашда ҳал қилиш билан бирга бу мажлисга котиблар (мажлиснавис) тайинланган, улар девон мажлисида навбатма-навбат ҳозир бўлиб, муҳокама қилинган масалалар ва айрим ишлар тафсилотини ёзиб олишлари, сақлашлари лозим бўлган.

Шунингдек, мингбоши, юзбоши, элликбоши, ўнбоши, оқсоқол лавозимлари ҳам ўша даврда жорий қилинган. Буларнинг бир-бири билан боғлиқлиги, бир-бирига бўйсунуши, уларга юклатилган вазифалар бажарилишининг шартлиги, уларга тўланадиган маош, бу лавозимларга раҳбарлар тайинлаш борасида «Темур тузуклари»да ҳозирги давр учун ҳам ибратли фикрлар ёзиб қолдирилган.

Амир Темур тасарруфидаги ҳудудларнинг иқтисодий-тени амалдорлар томонидан ривожлантирилишига, меҳнаткаш халқ аҳолидан хабар олиб туришга, зулмнинг кучайиб кетмаслигига жиддий эътибор берган. Давлат қурилишининг асосий тармоқларини, хунармандчилик, тўқимачиликнинг ҳамма соҳаларини ривожлантиришга эътибор берилган. Буни шундан ҳам яхши билиш мумкинки, Ҳерман Вамберининг эътирофи этишича, «Темурнинг пахта йигирувчи корхоналари, Анқаранинг мовут корхоналари, Туркия ҳамда Гуржистоннинг заргарлари, хуллас, саноатда қанча моҳир ишчилар бор бўлса, ҳаммаси Самарқандга кўчдилар».

Унинг ерга, деҳқонларга бўлган муносабати, солиқ олиш сиёсати ҳам ўзидан аввалги ва кейинги даврлар учун характерлидир.

Соҳибқироннинг: «Куч – бирликда, қудрат – адолатда» деган ҳикматининг ўзиёқ қай даражада одил бўлганлигидан бир далолатдир. «Темур тузуклари»да шундай дейилади: «Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим, саййидлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга суюрғол, вазифалар бериб, маошларини белгиладим; ўша вилоятнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим... Ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим. Нафси ёмонлар, бузуклар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатимдан қувиб чиқардим... Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим...».

Шунингдек, Амир Темур давлатида тартиб-интизом, меҳнаткаш оммани ҳимоя қилиш, уларга ғамхўрлик қилиш, адолат учун кураш, ислом динини тараққий эттириш, бошқа мамлакатлар билан яхши муносабатлар ўрнатиш сингари соҳаларда

ҳам ибратли, ҳатто ҳозирги давр учун ҳам ўрнатилган ишлар қилинган.

Амир Темурнинг энг муҳим хислатларидан яна бири шундаки, у ҳар доим илм-фан, маданият, санъат ахллари, дин пешволарига таяниб иш тутган, улардан керакли маслаҳатлар олган. Айниқса, ўз давлатининг тараққиётида илм-фаннинг роли, ўрни беқиёслигини яхши билган. Шу боис қайд этилганидек, илм-фан, маданият, санъат ривожига ғамхўрлик кўрсатар, олимлар билан халқлар тарихи ва буюк ҳукмдорлар тарихи хусусида суҳбатлашишни, фикр алмашишни хуш кўрар; ўзидан аввал ўтган буюк шахслар, ҳукмдорларнинг ишларига ҳамisha ижодий тақлид қилар, улар йўл қўйган камчиликларни тақрорламаслик мақсадида улар талофати, инқироzi, муваффақиятсизликларининг сабабларини кунт билан ўрганарди, ҳатто буларни сўзлаб бериш учун алоҳида киши ҳам сақланган.

Амир Темурнинг ўзи ҳам фалакиёт, тиббиёт, меъморчилик, риёзиёт илмларидан хабардор бўлган. Шахматни яхши билган. Тарихни, айниқса, ҳарбий тарихни севиб ўрганган. Темур билан юзма-юз суҳбатлашишга муяссар бўлган араб файласуфи Ибн Холдуннинг эътирофи этишича, жаҳонгир турк, араб, форс халқлари тарихини чуқур билган, диний, дунёвий ва фалсафий билимларнинг энг мураккаб жиҳатларини ҳам яхши ўзлаштириб олган.

Амир Темур илм-фан ва ислом дини арбобларига катта эътибор қаратган, уларни қадрлаган, ўзига яқин тутган, берган тўғри маслаҳатларидан унумли фойдаланган ва алоҳида илтифот кўрсатган. У тузган давлат барча ижтимоий табақаларга суянадиган ва қонун асосида бошқариладиган янги давлат эди. Темур мамлакатда қонун устуворлигини таъминлади. Унинг замонида ҳамма – вазир ҳам, амир ҳам, савдогар ҳам, оддий фуқаро ҳам – қонун олдида тенг бўлган.

Шунингдек, Соҳибқирон улуғ бунёдкор, илм-фан ва маданият хомийси сифатида ҳам тарихда қолди. Темур кўп йиллар давом этган феодал тарқоқлик ва уруш-талашлар оқибатида вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш, шаҳарларни қайта қуриш ва мамлакатни обод қилишда зўр ташаббус, жонбозлик кўрсатди.

Мустақиллик даврида республикамиз тарихининг Амир Темур ва Темурийлар даври илмий асосда, холисона ёритилди. Халқимиз соҳибқирон Амир Темур каби авлод-аждодларимиз яратган маънавий бойликдан, бу бебаҳо хазинадан баҳраманд бўлмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Амир Темур жаҳон ва Ўзбекистон халқлари учун абадул-абад буюк давлат арбоби, довурак саркарда, тарихий шахс ва аллома бўлиб қолади.

**Шерзод АЛИМОВ,**  
ИИБ Академияси Ўзбекистон тарихи кафедраси бошлиғи, подполковник.

## Етук кадрлар – самарадорлик гарови

**Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ички ишлар идоралари олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Чунки терроризм ва диний экстремизм хавфи дунё аҳлини таҳликага солиб, глобал муаммога айланган бир пайтда жаннатмакон диёримизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, барқарорликни таъминлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш осойишталик посбонларидан улкан масъулият, фидойилик талаб этади.**

## ҲАМКАСБЛАРИГА НАМУНА



Дарҳақиқат, бунинг учун аввало ҳар бир ходим маънан баркамол, жисмонан соғлом ва юксак интизомли бўлиши лозим. Бунда шахсий таркиб билан ишлаш хизмати тизимда муҳим ўрин эгаллайди. Бу борада Кегейли тумани ИИБда ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Шахсий таркибнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш мақсадида турли спорт ва амалий-тактик машғулотлар белгиланган режа асосида ўтказилмоқда.

Жумладан, яқинда шахсий таркиб ўртасида бўлиб ўтган мини-футбол бўйича мусобақада олтига жамоа иштирок этди. Қизиқarli беллашув томошабинларда илиқ таассурот қолдирди. Мусобақада туман ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими жамоаси учинчи, ёнғин хавфсизлиги бўлими вакиллари иккинчи ўринга сазовор бўлди. Туман ИИБ Казанкетген кўрғон милиция бўлими жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

Шунингдек, туман халқ таълими бўлимига қарашли 55-сонли умумтаълим мактабининг спорт залида «Спортчи оила» деб номланган мусобақа ташкил этилди. Бир қанча нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур беллашувда ички ишлар идоралари ходимларининг оилалари иштирок этди.

## Буни ёдда сақланг!

## ХАВФСИЗЛИК ҲАР ИШДА ЗАРУР

«Ёнғин хавфсизлиги», «техника хавфсизлиги», «йўл ҳаракати хавфсизлиги» каби бир қатор иборалар борки, булар муайян қоидалар бўлиб, ҳар бирининг замирида, аввало инсон ҳаётини сақлаш мақсади ётади. Шу ўринда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари учун ҳам хавфсизлик қоидалари мавжуд бўлиб, уни билиш ва амал қилиш жуда зарур. Бунда аввало, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг ҳаёти ва соғлиғини асрашни таъминлаш кўзда тутилган. Маълумки, ёнғин ўчирувчилар фалокат содир бўлган жойда ёнғинни ўчираётганда газ ва тутундан ҳимоя қилиш асбоблари, аниқроқ қилиб айтганда, сиқилган ҳавода ишловчи нафас олиш аппаратларидан фойдаланишади. Бу аппаратлар эса доим соз ҳолда бўлиши ва ундан фойдаланишни ҳар бир ёнғин ўчирувчи яхши билиши шарт. Айрим ҳолларда аппаратларда носозликлар пайдо бўлганда ёнғин ўчирувчилар улардаги носозликларни бартараф қилиш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларга ҳам эга бўлиши талаб этилади.

Сиқилган ҳавода ишловчи нафас олиш аппаратларида ишлаш вақтида кўпроқ қуйидаги носозликлар учрайдилар:

— яроқсиз муҳитда хизмат олиб борилаётганда юз ниқоб ичидаги ҳаво босими кучайиб, нафас олиш оғирлашиб кетади ва ортиқча ҳавони ташқарига чиқариб ташлайди. Ушбу носозлик ўпка автомати мембранаси қотиб қолишига олиб келади, бундай ҳолатда зудлик билан ҳаво баллони жўмраги ёпилади ва бир неча маротаба ўпка автомагига қўл билан урилади;

— агар юз ниқобидаги ҳаво босими нормал ҳолатига келмаса, унда яроқсиз муҳитдан газ ва тутундан ҳимоя қилиш хизмати гуруҳи шахсий таркиби билан яроқли муҳитга чиқиш учун ҳаво баллони жўмраги вақти-вақти билан очиб-ёпилади;

— яроқсиз муҳитда ҳимоячининг ҳимоя газниқоби ва ҳаво босими шланги дарз кетиши мумкин. Ушбу носозлик ҳаво босимининг чиқиб кетиши ва ҳимоя вақтининг камайишига олиб келади. Бундай пайтда дарз кетган жойини кафт билан бер-

китиб, яроқли муҳитга чиқиш учун ҳаво баллони жўмраги вақти-вақти билан очиб-ёпилади; — агар ҳаво босими берувчи шланг бутунлай яроқсиз ҳолатга келган бўлса, иккита ҳаво босим берувчи бўлақларни кафт ичига бирлаштириб, газ ва тутундан ҳимоя қилиш хизмати гуруҳи шахсий таркиби билан яроқли муҳитга чиқиш учун ҳаво баллони жўмраги вақти-вақти билан очиб-ёпилади.

Ҳимоя газниқобларидан фойдаланиш даврида носозликлар пайдо бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Уларни бартараф этиш учун керакли махсус ускуналар ва вақт зарур.

Бугунги кунда маълумотларга кўра, ёнғинларда ҳаётдан кўз юмаётганларнинг аксарияти оловдан эмас, балки ундан ажралиб чиқаётган захарли газлар таъсирида ёруғ олам билан видолашмоқда. Шуни эътиборга олган ҳолда, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, айниқса, ёнғин ўчирувчилар хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этиши лозим бўлади.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.**

*Суратда: катта лейтенант Байрамбай Жақсимуратов хизмат пайтида.*

**Муаллиф олган сурат.**

**М. БЕКБАУМ,**  
полковник.  
**И. МУҲАМЕДОВ,**  
катта лейтенант.



## Мутахассис фикри

**Ижтимоий ҳимоя, меҳр-мурувватга муҳтож инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш, ёш авлодга эътиборли бўлиб, кексаларни эъзозлаш халқимизга хос қадриятлардан ҳисобланади. Айниқса, васийлик ва ҳомийлик халқимиз учун янги бир тушунча эмас, албатта. Чунки вояга етмаган ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга, етим болаларга меҳр-мурувват кўрсатиш, ёши улуг онахон ва отахонларимизни, нуруний кексаларимизни эъзозлаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Зеро, тарихий маънавий меросимиз бўлган «Авесто»да эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал инсоннинг беназир хислатлари эканлиги таъкидланади.**

Ўзбекистон Республикасининг «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши ана шундай эзгу қадриятлар янада кенг қулоч ёйишида янги имкониятларни яратиб берди. Мазкур қонун 9 боб ва 50 та моддадан иборат бўлиб, миллий қонунчилигимизнинг илғор тажрибалари ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқий нормалар уйғунлиги асосида ишлаб чиқилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ушбу қонунни қабул қилишдан асосий мақсад васийлик ва ҳомийлик институтининг ягона қонунчилик ва ҳуқуқий асосларини белгилаш, соҳада қонунийликка риоя этилишининг ҳамда васийлик ва ҳомийликка муҳтож фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларини яратишдан иборатдир. Мазкур қонун қабул қилингунга қадар васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги қарори билан тас-

# ХАЛҚИМИЗГА ХОС ҚАДРИЯТ

диқланган «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Низом ҳамда бир қатор бошқа қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинарди. Бироқ васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги барча масалалар, шунингдек, улар фаолиятини амалга ошириш механизми етарли даражада тартибга солинмаган эди. Ушбу зарурат туфайли васийлик ва ҳомийлик соҳасида ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Қонунда васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, васийлик ва ҳомийликни белгилаш, устидан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахснинг мол-мулкани сақлаш ҳамда бошқариш механизми, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларига доир нормалар такомиллаштирилди.

Шу ўринда «васийлик» ва «ҳомийлик» тушунчаларига ойдинлик киритиб ўтсак. Васийлик – 14 ёшга тўлмаган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мол-мулкни ва шахсий номулкни ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий шакли ҳисобланади. Ҳомийлик – 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек, суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларни уларга таъминот, таълим-тарбия бериш, мулкни ва шахсий номулкни ҳуқуқ ва мажбурият-

ларини ҳимоя қилишдир. Васий қарамоғидаги шахслар номидан уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини шахсан амалга оширсан, ҳомий қарамоғидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишига ҳуқуқий ёрдам беради, кўмаклашади.

Давлат органларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатларига бағишланган 2-боб васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаоли-

сийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож шахслар аниқланганда васийлик ва ҳомийлик органларининг мажбуриятлари, давлат реестрини юритиш каби қоидалар тартибга солинган.

Қонуннинг 4-бобида ота-она вақтинча бўлмаганида васийлик ёки ҳомийликни белгилашга доир нормалар акс эттирилган. Жумладан, васий ёки ҳомий этиб тайинлана олмайдиган шахслар доираси аниқланган, дастлабки тарзда васий ёки ҳомий тайинлаш тартиби, шахсга бир неча васий ёки ҳомий белгилаш, бир шахсни бир неча васийликдагиларга васий ёки ҳомий этиб тайинлаш, вояга етмаганларнинг ўзи берган ариза бўйича уларга васий ёки ҳомий тайинлаш тартиби, шунингдек, ота-онаси бор шахсга васий ёки ҳомий белгилаш хусусиятлари акс эттирилган.

Васийлик ва ҳомийликни тугатиш, васийнинг ва ҳомийнинг ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилиниши ҳамда четлаштирилиши билан боғлиқ қоидалар қонуннинг 5-бобида назарда тутилган. Қонуннинг 6-бобида васийлар ва ҳомийларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари ўз ифодасини топган бўлса, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мулкни ҳимоя қилиш билан боғлиқ нормалар қонуннинг 7-бобида белгилаб берилган. Ушбу қонуннинг 8-бобида васийлик ва ҳомийлик органлари фаолияти устидан, шунингдек васийлар ва ҳомийларнинг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш тартиби ва шакллари мустақамлаб кўйилган.



ятни амалга оширувчи органлар тизимини белгилайди ҳамда уларнинг ваколатларини ва асосий вазифаларини моддама-модда тартибга солади.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар ва уларнинг мол-мулкни тўғрисидаги ахборот деб номланган 3-бобда давлат реестрига киритиш учун маълумотларни тақдим этиш, васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар аниқланганлиги тўғрисида васийлик ва ҳомийлик органларига маълумотлар тақдим этиш, яшаш жойи Ўзбекистон Республикасининг бошқа вилоятлари, туманлари, шаҳарлари ёки бошқа мамлакат бўлган ва-

Мазкур қонуннинг «Яқунловчи қоидалар» деб номланган 9-бобида, васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилиши ҳамда ушбу қонун нормаларини бузган шахслар айбдор деб топilib жавобгарликка тортилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисида тўхталар экан, ана шу мақсадлар учун 2014 йилда мамлакатимизда барча манбалар ҳисобидан 4 триллион 795 миллиард сўм ва 260 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилганини таъкидлади. ЮНИСЕФ ижрочи директори Энтони Лейк 2014 йил яқунлари бўйича берган ҳисоботида ушбу йилда жуда кўплаб болалар террорчилик ҳаракатлари ва урушлар қурбонига айланганини, қулликка дучор бўлганлигини, ота-онасиз ва етим бўлиб қолганлигини маълум қилди. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида меҳр-мурувватга эҳтиёжманд болалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар азоб-уқубатлар гирдобиди қийналаётган бир вақтда, бизнинг мамлакатимизда ёш авлодга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, кексаларни эъзозлаш давлат сиёсати даражасига айлангани бу борадаги фаолиятимиз нақадар тўғри ва инсонпарвар эканлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, васийлик ва ҳомийлик – бағоят савоб иш. Шундай экан, умримизни эзгу амаллар ила ўтказмоқ ҳам қарз, ҳам фарздир. Ушбу қонун ана шу эзгу ишларни амалга оширишга хизмат қилмоқда.

**Нуриддин ҚҮЛДАШЕВ,**  
ИИБ Академияси  
катта ўқитувчиси,  
майор.

## Тергов амалиётидан

**Тирикчилик кишини ҳар кўйга солади: ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам урган кишини аста-секин нафс балосига гирифторм қилади. Яқинда содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси мисолида бунга яна бир бор амин бўлдик.**

П. Расулбек (исмлари ўзгартирилган) ҳам тирикчилик кўйида ўзи билмаган ҳолда нафс қулига айланди. У Хатирчи туманидаги «Хатирчи Сарбон транс» масъулияти чекланган жамиятига қарашли бўлган «Нексия» русумли автомашинада киракашли қилар, асосан «Хатирчи-Навоий» йўналиши бўйича қатнади. Баъзида «Кўпроқ мижоз оламан» деб, тезликни ошириб юборар, шундай вазиятда йўл ҳаракати қоидаларига ҳам амал қилмасди.

Кўза кунда эмас, кунда синади, дейишадди. Расулбекда ҳам шундай бўлди. У ҳар сафаргидек Навоий шаҳрига бормоқчи бўлган уч нафар йўловчини олиб, йўлга тушди. Ҳаммаси кўз очиб-юмгунча содир бўлди. У ўз бошқарувидаги автомашина тезлигини ошириб, олдинда ҳаракатланиб бораётган «Нексия» русумли машинани қувиб ўтмоқчи бўлди. Лекин улгур олмади. Машина сирпаниб кетиб, қарама-қарши томонда ҳаракатланиб келаётган

## ҚУВИБ ЎТИШ автоҳалокатга етаклади

«Истана» русумли микроавтобус билан тўқнашиб кетди. Натижада «Нексия»даги йўловчилар жиддий тан жароҳати олишди. Ҳатто, уларнинг бири Н. Розикова шифохонага етиб бормай ҳаётдан кўз юмди.

Ҳа, ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва йўловчи ёки юкнинг хусусияти ҳамда ҳолати, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни

ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмасдан бошқариши керак эди. Аммо Расулбек ундай қилмади. У йўл ҳаракати қоида-

ларини қўпол равишда бузди. Шу боис ҳам унга тегишли жазо тайинланди...

**Зиёдулло УРАЛОВ,**  
капитан.  
Навоий вилояти.



## Қонунчилик тарғиботи

**Кейинги пайтда ҳуқуқшуносликда ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси деган жумла тез-тез қўлланилмоқда. Бу ҳақда фикр юришдан олдин «ҳуқуқбузарлик», «виктимология» ва «профилактика» сўзларининг мазмун-моҳиятини тушуниб олиш мақсадга мувофиқ.**

«Ҳуқуқбузарлик» деганда, жамият учун хавфли бўлган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), бошқа манбада эса ҳуқуқбузарликка жамиятда ўрнатилган ва қонун асосида белгиланган тартиб ёки умуман ижтимоий яшаш қоидаларини бузиш деб таъриф берилган. Ушбу таърифлардан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқбузарликлар асосан фуқаровий, интизомий, маъмурий ва жиноий турларга ажратилади.

Ҳуқуқбузарликлар, профилактикаси деганда, биз барча турдаги ҳуқуқбузарликларни назарда тутамизми, деган ўринли савол туғилади. Ушбу саволга Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида қўлланилган «ғайриижтимоий хулқ-атвор – шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги», шунингдек, «ҳуқуқбузарлик – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)» деган асосий таърифлар мазмунидан келиб чиқиб жавоб берамиз.

Демак, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонун ғайриижтимоий хулқ-атворни, шунингдек содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)лар профилактикасини амалга ошириш соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Энциклопедик ва изоҳли луғатларда «виктимология» сўзи латинча «victima» – жабрланган, жабрланувчи ва юнонча «logos» – таълимот, яъни жабрланувчилар ҳақидаги таълимот, «профилактика» эса юнонча «prophylaktika» – сақловчи, олдини оловчи деган маъноларни англатиши кўрсатилган.

Юқоридаги атамалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси деган, ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори ёки жисмоний-физиологик ҳолати, ҳаётдаги турли вазиятлар ва омиллар билан боғлиқ ҳолда жисмоний шахснинг у ёки бу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ёхуд жиноятлардан жабрланишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш фаолиятини тушунамиз.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга оширишга оид нормалар талабларини бир хилда тушуниш ва амалиётда қўллаш мақсадида «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунда «ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи – бу жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахс», «ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс – ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик

тикасини бевосита амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, шунингдек, амалдаги бошқа қонунларда белгиланган ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

Ушбу қонунда «ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасидир» деб таъриф берилган. Лекин бу ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи орган ва муассасалар виктимологик профилактикани

жиҳатлари, касби, ижтимоий-моддий аҳоли ва бошқа хусусиятлари билан мулкка қарши жиноятлар жабрланувчисига айланиш хавфи мавжуд бўлган аҳоли қатламига;

тўртинчидан, шахсга ва мулкка қарши ҳуқуқбузарликлар жабрланувчисига айланиш мойиллиги бўлган шахсларга;

бешинчидан, оила-турмуш ва маиший соҳада тез-тез низолар, келишмовчиликлар келтириб чиқарувчи ва бошқа салбий хусусиятларга эга тоифадаги шахсларга нисбатан умумий, махсус ва якка тартибда ушбу ҳамда бошқа қонунлар талаблари асосида амалга оширилади.

Виктимологик профилактика чора-тадбирлари: а) ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли мавжуд

тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (худудларни) мунтазам равишда назорат қилиш;

ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охириги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш;

ғайриижтимоий хулқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурида ишонч, тезкор алоқа телефонларини, қутқарув хизматларини ташкил этиш;

профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш.

Бундан ташқари, ушбу қонуннинг 45-моддасида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар тузиши мумкинлиги, шунингдек бундай муассасалар ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиши мустақамлаб қўйилган.

Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни тузиш ва уларнинг иштини ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади. Бундан ташқари, хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш асосида, Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ, маъмурий худудларда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан мавжуд эhtiёждан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчилар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлганлар ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришга ихтисослашган муассасаларни ташкил этишни амалиётга кенг жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

**Исомиддин ИСМАИЛОВ,**  
юридик фанлар доктори,  
профессор.

# ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ

содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс», «ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш – ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил

амалга оширишда иштирок этмайди, дегани эмас. Улар айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасида Ўзбекис-

бўлган; б) ғайриижтимоий хулқ-атворли; в) ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган; г) ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари ва уни бевосита амалга оширувчи орган, муассасалар томонидан олиб бориладиган таҳлиллар натижасига асосан ишлаб чиқилган режа, дастур ва бошқа турдаги бошқарув қарорлари билан белгиланган тартибда ўтказилиши керак.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддасида асосан қуйидагилар ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари сифатида белгиланган:

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга нисбатан шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш;

аҳолига, шу жумладан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ўрта-сидаги низоларни ҳал этиш усуллари ўргатиш;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларни аниқлаш ва химоя қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиш;

ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уни қонунда назарда

**Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тўртта, яъни умумий, махсус, якка ва виктимологик тури кўрсатилган бўлиб, ҳар бирининг тушунчаси, чора-тадбирлари ҳамда амалга ошириш тартиб-қоидалари алоҳида бобларда белгилаб берилган.**

бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи» деган асосий таърифлар берилган.

Ушбу қонунга асосан жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тўртта, яъни умумий, махсус, якка ва виктимологик тури кўрсатилган бўлиб, ҳар бирининг тушунчаси, чора-тадбирлари ҳамда амалга ошириш тартиб-қоидалари алоҳида бобларда белгилаб берилган. Шу билан бирга, табиий ҳолда, амалиётда ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари умумий, махсус ва якка тартибларда амалга ошириб келинмоқда.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини ҳуқуқбузарликлар профилак-

тон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги ва бошқа қонунларида белгиланган тартибда иштирок этадилар.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунда ушбу фаолият билан бевосита шуғулланувчи орган ва муассасалар томонидан амалга оширилиши зарур бўлган виктимологик профилактика чора-тадбирлари аниқ белгилаб берилган. Шу ўринда ушбу чора-тадбирлар кимларга нисбатан ўтказилади, деган савол туғилиши табиий.

Кузатишлар ва амалиёт таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари бугунги кунда:

биринчидан, одам савдоси, экстремизм, терроризм, «оммавий маданият» ва шу каби бошқа ижтимоий хавфли қилмишлар таҳдидларидан огоҳ этиш мақсадида аҳолининг барча қатламига; иккинчидан, ёнғин, йўл-транспорт ҳодисалари, бахтсиз ҳодисаларга олиб келадиган ҳуқуқбузарликлар таҳдиддан огоҳ этиш мақсадида аҳолининг барча қатламига;

учинчидан, ижтимоий-рухий, жисмоний-физиологик,

Килмиш-қидирмиш

# МУМАЙ БОЙЛИК ВАСВАСАСИ

**Бетакрор неъмат — ҳаёт инсонга бир марта берилади. Ҳаёт йўлини қай тарзда босиб ўтиш, энг аввало, унинг ўзига боғлиқ. Одамларга яхшилик қилиб, ҳалол яшаш одамзот умрини безайди, ундан яхши ном қолишига хизмат қилади. Меҳнатсиз пул топишни, бойлик орттиришни кўнглига тугиб, ўзгалар мол-мулкига кўз олайтириш, шу мақсадда ҳатто инсонлар умрига зомин бўлиш эса алалоқибат пушаймонликка олиб келиши тайин.**

...Олмалиқ шаҳридаги «Ойдин» бозори. Одам гавжум, гала-говур. Сотувчилар ўз маҳсулотини сотиш, харидорлар кундалик эҳтиёж учун ул-бул харид қилиш билан овора. Бундай тирикчилик тала-тўпида уч нафар кимсанинг ноодатий кўриниши, ғайритабиий хатти-ҳаракатлари, атрофга олазар қараб пичирлашиб гаплашаётгани унча-мунча одамнинг эътиборини тортмайди, албатта.

— Жаҳонгир (исм-шарифлар ўзгартирилди) эшит, зўр иш чиқиб қолди.

— Хўш, қандай иш? Айтчи.

— Кеча биз Акмал билан митти туманда, бир уйда «меҳмон» бўлдик. Едик, ичдик, кайф қилдик.

— Ичимни куйдирмасдан тезроқ муддаога ўт!

— Олимжоннинг гапини бўлди Жаҳонгир сабри чидмай.

— Шошма, Хуллас, бизни у ерга Моҳира деган қиз таклиф қилганди. Озгина кайфи ошиб, опаси икки хонали квартира сотиб олмоқчи эканлигини, бунинг учун йиғиб қўйган пулларини уйдаги сандиқда сақлаётганини айтиб қолди.

— Нима дейсан, ўртоқ? Нима қиламиз? — Жаҳонгирга юзланди Акмал.

— Нима қилардик, ўғирлаймиз. Менга ҳозир пул жудаям зарур. Уй сотиб олишмоқчимиз, демак,

катта пул бор уларда, учаламиз арра қиламиз.

Гапни бир жойга қўйган уч ҳамтовоқ узоқ вақт ўғирлик режасини тузишди. Шунга кўра, кеч соат 21:30ларда Олмалиқ шаҳри Абдулла Қаҳҳор кўчасидаги 16-уй олдида келишди. Лекин уй чироқлари ёниқ бўлгани, у ерда одам борлиги учун бироз кутиб ортага қайтишди. Кетиш олдида бу ерга эртага, ҳозиргидан ҳам кечроқ пайтда келадиган бўлишди.

Катта миқдордаги пулга эгалик қилиш талвасасига тушган учовлон кунни бир амаллаб ўтказди-да, эртаси куни келишилган пайтда яна ўша уй олдида пайдо бўлди. Бироқ бу гал ҳам уларнинг «омади келмади». Чунки бу сафар ҳам хонадон соҳиблари уйда эди.

— Қайтамиз, — деди кута-кута сабри тугаган Жаҳонгир қатъий оҳангда.

— Ҳозир ўғирликка туша олмаймиз. Уйда ҳеч ким йўқ пайтини пойлаб келамиз.

Орадан икки кун ўтди. Жаҳонгир шу икки кунни ич-этини еб ўтказди. Ҳеч қандай меҳнатсиз қисқа вақт ичида, керак бўлса, дақиқалар, сонияларда миллион-миллионларга

эга бўлиш нияти унга тинчлик бермади. Хайрият, тахминан кечки 22:00ларда Олимжон унга кўнгирак қилиб қолди:

— Жаҳонгир, сен бир ярим соатлардан кейин шаҳарга келиб, менга кўнгирак қил. Бошқа гапларни ўшанда гаплашамиз.

Жаҳонгир айрилган вақтда ҳамтовоғига кўнги-

роқ қилди. Олимжон эса унга: «Озгина ишларим чиқиб қолди. Мен Акмал билан ўттиз-қирқ дақиқаларда етиб бораман. Ун-гача сен Моҳиранинг уйига бориб, кўз-қулоқ бўлиб тур», деди. Олимжоннинг ишлари анча чўзилди. Бу орада Жаҳонгир икки марта Моҳиранинг уйига бориб-келди. Сўнг белги-ланган жойда шерикларини кутди, лекин улардан

дарак бўлмагач, уяли телефон орқали Олимжон билан гаплашди.

— Уйда «свет» ўчган, ҳеч ким йўқ, шекилли.

— Унда сен киравер, пуллар сандиқда.

— Бирга кирамиз деб келишгандик-ку...

— Биз боргунча сен киравер, уйда барибир ҳеч ким йўқ.

Жаҳонгир ўзи билан бирга олиб келган темир бўлагини машинаси юкхонасидан олди ва пастки қаватдаги дераза ромларига ўрнатилган панжараларга осилиб, учинчи қаватдаги хонадон балконида чиқди. Ичкарига кираётганида эшик гирчиллаган

Бир жиноят иккинчи жиноятга йўл очди. Ўзганинг хонадонига ўғирликка тушган Жаҳонгир Моҳира ва унинг опаси Мавлудани ҳам қўлидаги темир анжом билан шафқатсизларча уриб хушидан кетказгач, уйдаги тилла буюмлар ва икки уяли телефон аппаратини олиб, воқеа жойидан қочиш кетди. Жиноятчидан жабр кўрган Маъсума ая ва унинг катта қизи Мавлуда дунёдан бевақт кўз юмди, Моҳиранинг ҳаёти эса шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан сақлаб қолинди.

Мудҳиш воқеадан хабар топган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан тезкор чора-тадбирлар кўрилди. Натижада жиноятчиларнинг кимлиги аниқланиб, қўлга олинди. Эътиборли жиҳати, уларнинг бошқа шериклари, бошқа қилмишлари ҳам фох этилди.

Маълум бўлишича, Жаҳонгир илгари бир неча ҳамтовоғи билан олдиндан тил бириктириб, Оҳангарон туманида жойлашган «Орзу-обод маскани» масъулияти чекланган жамияти ҳудудида ўғирлик содир этишган экан. Бундан ташқари, у Олимжон ва Акмал билан биргаликда бир неча маҳалладошлари, танишларини ҳам жиноятга жалб қилиб, Тошкент вилоятининг Бўка, Пискент, Оҳангарон туманлари ва Олмалиқ шаҳрида бир неча маротаба фуқароларнинг хонадонларидан чорва

молларини ўғирлаб сотиш билан шуғулланиб келган. Бунинг оқибатида фуқароларнинг манфаатига жуда катта миқдордаги моддий зарар етказилган.

Тергов ва суд жараёнида Жаҳонгир ва унинг 16 нафар жиноий шеригининг барча қилмишлари тегишли далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди. Ҳалол яшаш ўрнига ўғирликка, қотилликка қўл урган кимсалар ўз айбларига яраша жазосини олишди. Фуқароларга етказилган моддий зарарларнинг тўлиқ ундирилиши таъминланди.

Дарҳақиқат, жиноят жазосиз қолмайди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Бироқ кишини чуқур ўйга толдирадиган, мулоҳазага чорлайдиган бир жиҳат борки, бу ҳақда сўз юритмасдан бўлмайди. Хўш, тилга олиб ўтилган жиноятлар қандай илдиз отди? Унинг асл сабаблари қаерда? Фикримизча, бу йигитлар жиноят кўчасига кириб қолишида уларнинг ота-оналари, яқинлари, маҳалла-кўй, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг ҳам айби бор. Чунки улар ўз вақтида ёмон йўлдан қайтарилганида жиноятлар содир этилмаган, бугун навқирон йигитлар умрининг гуллаган даврини панжара ортида ўтказишга маҳкум этилмаган бўлишарди. Шундай эмасми?

**Шерзод АЛИХОНОВ,**  
Ўзбекистон  
Республикаси Бош  
прокуратурасининг  
алоҳида муҳим ишлар  
бўйича катта  
терговчиси.

**Камол ОЛЛОЁРОВ,**  
журналист.

Хориж



## АВСТРАЛИЯ ПОЛИЦИЯ ТИЗИМИ

**Австралия давлати (расмий номи — Австралия Ҳамдўстлиги) олти штатдан ташкил топган. Ушбу штатлар мамлакатнинг материк қисмида ва катта-кичик ороларда жойлашган.**

лицияси ўзининг микёсига кўра, икки босқичга бўлинади. Булар Австралия федерал полицияси ва штат полицияси.

Штат полицияси штат ҳудудида, шу жумладан, шаҳарларда қонунийликка риоя этилишига жавоб беради. Федерал полициячилар эса Ҳамдўстлик тўғрисидаги қонуннинг, яъни федерал қонунийликнинг бузилиши билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда, шунингдек Ҳамдўстлик ҳудудида ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширадилар. Кўпинча ҳар икки полиция ўзаро яқин ҳамкорликда иш қўришади.

Австралия федерал полицияси (АФП) 1979 йилда Ҳамдўстликнинг учта полиция агентлигининг қўшилиши натижасида ташкил топган эди. АФП халқаро майдонда Австралия полиция кучларининг расмий вакили ҳисобланади. АФП мамлакат ИИБ таркибига киради ва Бош атторнейга бўйсунди. Бош атторней адлия идораларининг олий тоифали амалдори бўлиб, парламент ва ҳукумат аъзоси ҳисобланади, баъзи бир ишларда давлат номидан айбловни амалга оширади, юридик масалаларда ҳукуматга маслаҳатлар беради.



Мамлакатда ҳуқуқни муҳофаза қилиш билан полициячилар, шерифлар ва суд ижрочилари шуғулланишади. Полициянинг фаолият йўналиши — жиноят қонунчилиги. Шерифлар ва суд ижрочиларнинг вазифаси эса фуқаровий қонунчилик бўйича суд қарорларининг ижросини таъминлашдан иборат. Мамлакат по-



## Жиноятга жазо муқаррар

**Гулистон туманилик Самира опа (исмлар ўзгартирилган) бир неча йил олдин турмуш ўртоғи вафот этгач, уйини кулфлаб, икки қизи билан ишхонасига яқин бўлган Гулистон шаҳридаги ҳовлисига кўчиб кетди. Кўшниси Хонбиби опадан ора-сира уйдан хабар олиб туришини илтимос қилди. Кўшниси барака топсин, ҳовлини озода, файзли қилиб турди. Ўт-ўландан тозалади, супуриб-сидирди. Самира опа йўли тушганда уйига бирров кирар, ёз фаслида эса қизлари билан икки-уч ой дам олиб ҳам кетишарди. Ҳовлисини саранжом-сарийшта қилиб, кўриқлаб тургани учун Хонбиби опага ҳеч оғринмасдан ҳақ ҳам тўларди.**

Июль ойининг бошларида ҳордиқ чиқариш мақсадида Самира опа қизлари билан уйига яна ташриф буюрди. Хонбиби уларнинг келганидан хурсанд бўлиб, дарвозани очгач, биргаликда ичкарига киришди. Шунда Хонбиби опа:

— Самирахон, уйдаги кондиционерни ўзингиз билан олиб кетганмидингиз? — деди. — Қачон олиб кетганингизни билмай ҳам қолибман.

— Нима деяпсиз, Хонбиби опа? — деди кўшнисининг гапидан хушёр торган Самира, — кондиционерни олиб кетганим йўқ.

Улар атрофга синчковлик билан қараб, секин ичкарига киришди. Не кўз билан кўришсинки, кондиционердан ташқари, уйдаги бошқа кўплаб нарсалар ҳам жойида йўқ эди. Бу ҳолдан барча саросимага тушиб қолди. Айниқса, Хонбиби опа ўзини айбдор санаб, нима қилишни билмасди. Бироздан кейин ўзини қўлга олган Самира опа қизларига ҳам, Хонбиби опага ҳам ҳеч нарсага тегмасликни буюрди. Кейин дарҳол туман ички ишлар идорасига кўнғироқ қилди. Кўп ўтмай етиб келган ходимларга кўрган-билганларини гапириб берди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилиб, ўғрилиқ содир этилган жойдан бармоқ излари олинди.

«Ўғрилиқни кимлар қилган бўлиши мумкин? Яқин ўртада бу ерга кимлар келиб кетган? Самира опанинг бу ерда доим бўлмаслигидан, уйнинг калити кўшниси Хонбиби опадан туришидан кимлар воқиф?»

Ички ишлар идоралари ходимлари ана шу саволларга

жавоб топиш учун ҳолатни синчковлик билан ўрганишди. Зарур тергов-суриштирув иш-

Воқеа қуйидагича бўлган эди. Эрта билан Хонбиби опа ўғли Ҳикматга:

— Ўғлим, ҳадемай Самира опанг келиб қолиши мумкин. Томорқасидаги бедаси эса жуда ўсиб кетибди. Савоб бўлади, бугун шуни ўриб қўйсанг дегандим. Агар ўрмасанг, Самира опанг хафа бўлади биздан, — деди

— Ойижон, шу ишни эртага қилсам бўлмайдами?

— Ҳовлини менга ишониб кетган, уялиб қолмай дейман-

лик пайдо бўлди. Улар ишни якунлаб, хонадондан чиқиб кетишганда Алимардоннинг кўзи ошхонада турган спиртли ичимликларга тушди. Ҳикматнинг кўзини шамғалат қилиб, ароқлардан икки шишасини қўйнига солди.

Эртаси куни Алимардоннинг туғилган куни эди. Сардор билан ишлаётган хонадонда учрашиб, озгина устачилик қилиб, чала ишларни бажаришди. Тушдан кейин иш ҳақини олиб, шаҳарчада-

нарсалар бор экан. Агар ўша нарсаларни бир ёқли қилсак, ким билиб ўтирибди дейсан?

Буни эшитган Сардорнинг кайфи тарқаб кетди. Алимардоннинг мақсадини англаб, дангалига ўтди:

— Оғайни, бўладиган ишни чўзиб нима қиламиз. Қани, йўл бошла...

Ҳикмат тунда икки «шоввоз» девор ошиб хонадонга ўғрилиққа тушишди. Улар музлаткич мотори, сув тортиш насоси, иситиш мосламаси, ширинлик пиширадиган мослама, бир неча шиша спиртли ичимликларни кўтариб чиқиб кетишди. Ўғирланган моллар Сардорнинг уйига яшириб қўйилди.

Эртаси куни улар ўғрилиқни яна давом эттиришди. Хонадондан кондиционер, DVD ҳамда бир неча уй жиҳозларини ўмаришди ва ҳеч нима бўлмагандек юраверишди.

Орадан бир-икки кун ўтгач, ҳалиги буюмларни арзонгаровга пуллаб бошлашди. Арзон сотилаётган моллардан шубҳаланган харидорларни «устачилик қилгандик, иш ҳақи ўрнига шуларни беришди» деб аврашди.

Лекин уларнинг қилмиши ошкор бўлмай қолмади. Халқимиз «Кўза кунда эмас, кунда синади» деганидек, усталарнинг ўғирланган молларни сотиш учун у ёқ, буюкка кўтариб ўтаётгани аллақачон кимларнингдир эътиборига тушганди.

— Текширув-суриштирув натижасида Алимардон билан Сардорнинг барча қилмиши фош этилди. Ўғрилиқни улар содир этгани маълум бўлди. Самира Дадаевага етказилган зарар қопланди, — дейди Гулистон тумани ИИБ терговчиси, лейтенант Қ. Назиров. — Икки жиноятчи ҳам суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Афсуски, нафс балоси уларнинг юзини шувут қилди. Аслида уларнинг бинойидек касби — устачилик орқасидан топадиган ҳалол ризқи бор эди. Лекин бунга қаноат қилишмади.

**Гўзал ЖАФАРОВА.**  
*Сирдарё вилояти.*



ларини олиб боришди. Хонбиби опа, унинг фарзандлари, қўни-қўшниси сўроқ қилинди. Шу пайт Хонбиби опанинг ўғли Ҳикмат яқинда ўртоғи Алимардон билан беда ўришга келганини айтиб қолди. Тергов-тезкор гуруҳи аъзолари бу маълумот асосида суриштирувни жадаллаштиришди. Кўп ўтмай мазкур жиноятни амалга оширган, бел оғритмасдан даромад қилишни кўзлаган «шоввозлар» аниқланиб, қўлга олинди. Улар шу шаҳарчада яшайдиган, устачилик билан шуғулланадиган Алимардон ва Сардор исмли йигитлар бўлиб қолди...

да, айланай. Бирорта ўртоғини чақириб биргалашсанлар, бир соатга қолмай ўриб ташлайсизлар.

Ҳикмат ойисининг гапини икки қилгиси келмай айтганига рози бўлди. Ҳам кўшниси, ҳам дўсти бўлган Алимардонни ҳашарга чақирди. Икки ўртоқ ҳаш-паш дегунча бедани ўриб, офтобга ёйиб ташлашди. Ҳовлини ўт-ўландан тозалаб, тартибга келтиришди. Алимардон иш жараёнида хонадон эгаси ҳозир қаердалигини, қайси пайтлар келишини киши билмас сўраб олди. Атрофни зимдан кузатди, кўнглида бир шум-

ги бир чойхонага боришди. Алимардон столга кеча ўғирлаб чиққан ароқни қўйди. Бирга овқатланиб, чойхонадан алламаҳалда чиқиб кетишди. Улар шу ерда жойлашган мактаб атрофидаги майсазор устига ўтиришди. Шунда Алимардон кўнглидаги шум ниятини шеригига айтди:

— Маҳалладошим Ҳикматни танийсан-а? Ўшанинг кўшниси бор, бир аёл киши. Бу ерда катта ҳовлиси бор, лекин ҳозир уйда ҳеч ким йўқ. Ўзлари Гулистонда яшайди. Кеча ўша уйдан бўлгандим, қўлга илинадиган анча-мунча

## тажрибаси

АФПнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ҳудудларда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш;
- ҳуқумат идораларини кўриқлаш;
- тинчликпарварлик фаолияти;
- маросимлар ва протоколлар билан боғлиқ вазифаларни бажариш.

Мамлакат пойтахтида жамоат тартибини сақлаш ва аҳолининг хавфсизлигини муҳофаза қилиш, жиноятларни бартараф этиш ва тергов қилиш, криминал разведка, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш АФП назорати остида бўлади.

Федерал полиция мамлакатнинг асосий аэропортларида жамоат тартибини сақлашни учун ҳам жавоб беради. Унинг Кўриқлаш хизмати ҳуқумат аъзоларининг нафақат Австралия ҳудудида, шунингдек, хорижда ҳимоя қилиниши учун ҳам масъулдир. Ушбу соҳа ходимлари ўз вазифа-



ларини бажаришлари учун махсус тайёргарликдан ўтишади.

Федерал полиция тўғрисидаги актининг қоидаларига мувофиқ, Кўриқлаш хизмати ходимлари шахсларни ҳибсга олиш, ушлаб туриш, тинтув қилиш (ўз юрисдикциялари доирасида) ваколатларига эга. Улар шунинг-

дек, ўта муҳим иншоотларни, мамлакатнинг чет эллардаги дипломатик ваколатхоналарини кўриқлашади.

Бундан ташқари, Федерал полиция таркибига халқаро миқёсда фаолият кўрсатувчи гуруҳ ҳам мавжуд. Ушбу гуруҳ аъзолари БМТ томонидан ўтказиладиган

тинчликпарварлик операцияларида иштирок этишади.

Федерал полициячи бўлишни истаганлар:

- 18 ёшдан катта бўлиши;
- ўрта маълумотга эга бўлиши;
- Австралия фуқароси бўлиши;
- ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлиши;
- жисмоний ривожланганлиги ва саломатлиги бўйича тестдан ўтиши;
- психологик тестдан ўтиши;
- биринчи тиббий ёрдам кўрсата олиши ҳақида сертификатга эга бўлиши лозим.

Текширув ва тестлардан муваффақиятли ўтганлар Федерал полиция коллежида таҳсил олишади. Бўлажак оддий полициячилар ва федерал агентлар 24 ҳафта ўқишади. Кўриқлаш хизмати кирувчилар учун эса ўқиш муддати 13 ҳафта.

Коллежни муваффақиятли битирганлар қасамёд қабул қилишади ва хизмат жойига кон-

стебель ёки агент сифатида иш ўрганиш учун юборилади. Хизмат жойидаги таҳсил 12 ой давом этади. Бир йил давом этган ушбу амалиётдан сўнг констебель ва федерал агентга жамоат тартибини сақлаш бўйича диплом; Кўриқлаш хизмати ходимига эса кўриқлаш ва тезкор ҳаракатлиниш бўйича 4-даражали сертификат топширилади. Мустақил хизмат фаолиятини бошлаш олдидан тўрт йил муддатга шартнома тузилади.

Штат полицияси Австралия ҳуқуматининг топшириғига кўра Ҳамдўстликнинг баъзи бир қонунларига риоя этилишини назорат қилиши ҳам мумкин. Шу ўринда Янги Жанубий Уэльс, Квинсленд, Жанубий Австралия, Тасмания, Викториа, Фарбий Австралия штатлари ҳамда Шимолий ҳудудлар полициялари мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

*(Давоми бор).*  
**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт

▼ **Пляж футболу****ҲАМИЮРТЛАРИМИЗ ЧОРАК ФИНАЛДА**

Қатар пойтахти Доха шаҳрида пляж футболу бўйича Осиё чемпионати давом этмоқда. Унда иштирок этаётган терма жамоамиз дастлабки икки учрашувда галаба қозонди.

Қуръа натижаларига кўра, терма жамоамиз мусобақанинг «С» гуруҳидан жой олди. Гуруҳ босқичининг биринчи ўйинида эса ҳамюртларимиз Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоасига қарши майдонга тушди. Ўйин ниҳоятда қизиқарли ва кескин тарзда ўтиб, жамоамизнинг 6:5 ҳисобидаги галабаси билан яқунланди.

Гуруҳ босқичи доирасидаги навбатдаги ўйинда Аҳад Юсупов шоғирдлари ироқлик футболчилардан ҳар томонлама устун келишди. Бу ҳисобда ҳам ўз аксини топди – 6:1.

Икки учрашувдаги икки галабадан сўнг Ўзбекистон терма жамоа-

си чорак финал йўлланмасини қўлга киритди. Эслатиб ўтамиз, мазкур қитъа чемпионатида совринли ўринларни эгаллаган учта жамоа шу йилнинг 9-19 июль кунлари Португалияда бўлиб ўтадиган

жаҳон чемпионатида қатнашади.

Дарвоқе, қитъа чемпионатида ўзбек футболнинг ёрқин вакилларидан бири Жаъфар Ирисметов ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Таниқли ҳужумчи ўзининг профессионал фаолияти давомида 379 ўйинда майдонга тушиб, 222 та гол уришга муваффақ бўлган.

▼ **Дзюдо****ОЛИМПИАДА ЙЎЛЛАНМАЛАРИ УЧУН**

Туркиянинг Самсун шаҳрида дзюдо кураши бўйича Гран-при туркумига кирувчи йирик халқаро турнир бўлиб ўтмоқда.

Нуфузли мусобақада дунёнинг етмиш давлатидан беш юздан ортиқ спортчилар 14 вазн тоифасида голиблик учун кураш олиб боришпти. Турнирда муваффақиятли қатнашган спортчилар келгуси йили Рио-де-Жанейро шаҳри (Бра-

зилия)да ўтказилади-ган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг йўлланмалари учун рейтинг очколарига эга бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир беллашув ўта мурасасиз кечмоқда.

Турнирда Шарофиддин Лутфуллаев, Диёр-

бек Ўрозбоев, Ришод Собиров, Сарвар Шомуродов, Фиёсжон Бобоев, Яҳё Имомов, Шаҳбоз Собиров, Шерали Жўраев, Давронбек Сатторов, Рамзиддин Саидов, Абдулла Тангриев, Болтабой Болтаев сингари дзюдочиларимиз голиблик учун беллашмоқда.

Мусобақа 29 март куни ниҳоясига етади.

▼ **Футбол****«БУНЁДКОР» ЎСМИРЛАРИ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА**

30 март – 4 апрель кунлари Россиянинг Қозон шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро турнирда «Бунёдкор» клуби ўсмирлари ҳам қатнашади. Бу ҳақда клуб расмий сайти хабар тарқатди.

Собиқ футболчи Ленар Гильмуллин хотирасига бағишланган халқаро мусобақа «Рубин» футбол клуби ташаббуси билан ташкил этилмоқда. Унда

«Бунёдкор» ўсмирлари ҳамда мезбонлардан ташқари «Краснодар» (Россия), «Қайрат» (Қозоғистон), «Динамо» (Беларусь), «Зимбру» (Молда-

вия) жамоалари иштирок этади. Мусобақа тақвими-га мувофиқ, ёш футболчиларимиз илк ўйинда 30 март куни «Динамо»га қарши майдонга тушади. Кейинги учрашувлар эса «Рубин» (31 март), «Краснодар» (1 апрель), «Қайрат» (3 апрель), «Зимбру» (4 апрель) жамоаларига қарши ўтказилади.

**БИР ЙИЛДА – 65 МИЛЛИОН ЕВРО**

«France Football» нашри 2014 йилда энг кўп даромад кўрган футболчилар рўйхатини эълон қилди.

Мазкур рўйхатни «Барселона» ҳужумчиси Лионель Месси бошқармоқда. Унинг ўтган йилдаги даромади 65 миллион еврога ташкил қилган. Иккинчи ўринни эса «Реал» аъзоси Криштиану Роналду эгаллади. Унинг даромадлари 54 миллион еврога баҳоланган. Учинчи ўринда эса бразилиялик Неймар қайд этилган – 36,5 миллион евро.

Шунингдек, бу рўйхатдан Тиаго Силва (Бразилия, «Пари Сен-Жермен», 27,5 млн. евро), Робин ван Перси (Голландия, «Манчестер Юнайтед», 25,6 млн. евро), Гарет Бейл (Уэльс, «Реал», 23,8 млн. евро), Уэйн Руни (Англия, «Манчестер Юнайтед», 22,5 млн. евро), Златан Ибрагимович (Швеция, «Пари Сен-Жермен», 21,5 млн. евро), Серхио Агуэро (Аргентина, «Манчестер Сити», 21,2 млн. евро) ва Роберт Левандовский (Польша, «Бавария», 20,2 млн. евро)лар ҳам ўрин олган.

▼ **Бокс****КИМ ГОЛИБ ЧИҚАДИ: МЕЙВЕЙЗЕРМИ ЁКИ ПАКЪЯО?**

Жорий йилнинг 2 май куни АКШнинг Лас-Вегас шаҳридаги мухташам «MGM Grand» аренасида катта бокс беллашуви

бўлиб ўтади. Мутахассислар, айниқса, бокс ихлосмандлари томонидан зўр қизиқиш билан кутилаётган ушбу баҳсда таниқли «чарм

қўлқоп» усталари – америкалик кичик Флойд Мейвейзер ва филиппинлик Мэнни Пакьяо рингга чиқади.

Ҳозирданоқ «аср жанги» дея эътироф этилаётган беллашув хусусида турли фикрлар билдирилиб, унинг бўлғуси голибли ҳақида ҳар хил тахминлар айтиляпти. Масалан, оғир вазн бўйича собиқ жаҳон чемпиони Эвандер Холифильднинг фикрича, унда кичик Флойд Мейвейзер мағлубиятга учрайди.

– Бу жуда ажойиб кураш бўлади, – дейди собиқ боксчи, – чунки кучлар деярли тенг. Лекин менимча, Пакьяо очколар бўйича зафар қучади.

О. КАМОЛОВ тайёрлади.

**Бу – қизиқ!****ТУРКМАНИНИНГ УЧҚУР ТУЛПОРЛАРИ**

От – инсонлар ҳаётида қадимдан муҳим роль ўйнаган ва узогини яқин қилган. Бу жониворлар, айниқса, чорвадорларнинг асосий ёрдамчиси ҳисобланган. Хусусан, туркманларнинг ахалтекин тулпорлари чидамлилиги, чопқирлиги, чиройли кўриши билан машҳур бўлган. Юкларни узок масофага ташишда улар туялардан қолишмаган.

Донғи дунёга кетган бу тулпорлар Туркменистоннинг Копеттоғ ва Қорақум оралиғида жойлашган Ахалтекин воҳасида етиштирилгани учун шундай ном олган. Иссиқ, қуруқ ҳавога яхши мослашган. Ортиқча ёғ тўпламайди. Кўп овқат емайди. Тўсиқлардан бемалол ошиб ўта олади. Юқорида айтганимиздек, узок масофаларни қийналмай босиб ўтади. Бўйи баланд бўлиб, ўртача 160 см келади.

Ахалтекин отининг сурати Туркменистон гер-

бида ҳам ўз аксини топган. Шундан ҳам бу жониворни туркманлар нақадар қадрлашини билса бўлади. Отнинг зоти тозаллигини сақлаш мақсадида уни бошқа от зотлари билан чапиштиришмайди. Жонивор бошини тўғри, тик тутайди. Кўзлари йирик-йирик бўлиб, маъноли боқади. Узун қулоқлари ўзига ярашиб туради. Хуллас, табиатни севувчи шоирлар унга атаб шёър тўқиб юбориши ҳеч гап эмас.

Ушбу тулпор тўғрисидаги дастлабки маълумотлар тарих отаси Геродотга тегишли. У шундай ёзиб қолдирган: «Мидия давлатининг Нисо деган ерида аъло даржадаги тулпорлар мавжуд. Бу отлар олтин-сарик тусда». Қадимги Нисо

ҳозирги кунда Туркменистоннинг Ахалтекин воҳасига тўғри келади. Туркманнинг учқур тул-

порлари тўғрисида қадимги маълумотлар Хитой тарихчиси Сима Сзыннинг «Тарихий йилномалар» асарида ҳам учрайди. Туркманларнинг салор қабиласи савдогарлари XIV асрда Пекинда бўлишганида императорга ахалтекин тулпоридан совға қилишганлиги Хитой манбаларида қайд этилган.

Ахалтекин отларини қўлга ўргатиш, жиловлаш жуда машаққатли иш ҳисобланади. Улар ўта асов, эрксевар бўлади. Шунинг учун от спорти билан шугулланувчи спортчиларнинг асосий қисми ушбу тулпор тури билан ишладан бош тортади. Аммо сабр-чидамли спортчилар ушбу отни қўлларига ўргата олсалар, спорт соҳасида юксак натижаларни қўлга киритадилар.

Чунки ахалтекин тулпори бошқа от зотларидан жуда кучлилиги, ҳаддан ташқари чидамлилиги билан устунлик қилади.

Туркманнинг ахалтекин тулпорлари араби отлар қаторида турувчи, дунёда энг тез югурадиган учқур отлар ҳисобланади. Қадимги ва ҳозирги кундаги ахалтекин тулпорлари баъзи жиҳатлари билан бир-бирдан фарқ қилади. Масалан, ҳозиргиларнинг бўй-бас-ти баландроқ, гавда тuzилиши янада тўғрироқ, мукамалроқ. Ахалтекин тулпорлари отлар пойгасида 1000 метр масофани бир дақиқага бир сонияда босиб ўтган. Улар икки метру ўн икки сантиметр баландликка сакрай олган.


Хуршид ТОШЕВ.



▼ Тест

# УМУРТҚА ПОГОНАНГИЗ ХАСТАЛАНМАГАНМИ?

1. Ёшингиз қирқдан ошганми?
2. Вазнингиз меъёридан ортиқми?
3. Кам ҳаракат қиласизми?
4. Оғир юк кўтарасизми?
5. Компьютерда узок ишлайсизми?
6. Бошингиз тез-тез оғрийдими?
7. Бошингизни орқага силкиганингизда ёки 90 даражага бурганингизда оғриқ ҳис этасизми?
8. Қўлларингиз тез-тез уюшиб, санчиб ёки бўшашиб турадими?
9. Ўтирганингизда доимо кўлингизга ёки стулнинг суюнчигига суюнгингиз келадими?
10. Умуртқа погонангиз вақти-вақти билан қирсиллаб турадими?



Ҳар бир «ҳа» жавоби учун **2 балл**, «йўқ» жавоби учун эса **0 балл** қўйилади.

## ЭНДИ ТЎПЛАНГАН БАЛЛАРИНГИЗНИ ХИСОБЛАНГ

**0-2 балл.** Умуртқа погонангизнинг фаолияти меъёрида. Уни доимо ҳозиргидек асраб-авайланг.

**4-10 балл.** Орқа мушакларингизни машқ қилдингиз. Спорт билан шуғулландингиз. Мунтазам равишда невролог қабулига кириб туринг.

**12-20 балл.** Ҳойнаҳой, умуртқа погонангиз билан боғлиқ жиддий муаммоларингиз бўлса керак. Албатта, невролог билан маслаҳатлашиб, у тайинлаган текширувлардан ўтинг.

## Биласизми?

### РЕЗИНА ЛЕНТА

Маиший турмушда резина лента роса асқотади. Нишолда солинган банка устига оддий ёки елим қоғоз ёпиб, унинг ёрдамида маҳкамлаймиз. Ташкилотларнинг кассирлари пул пачкасини резина лента билан боғлаб қўйишади. Гоҳида резина лента гўё, азалдан ҳаётда бўлгандек туюлади. Ваҳоланки, у инглиз фуқароси Стивен Пери томонидан яратилиб, 1845 йил 17 мартда ушбу кашфиёти учун патент олган. Резина лентани кашфиётчи нима мақсадда ўйлаб топган дейсизми? Билмасангиз библиб қўйинг – дори солинган шиша идишларга дориномани ёпиштириб қўйиш учун.


### КИР ЮВИШ МАШИНАСИ

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг – биринчи кир ювиш машинаси 1797 йилда америкалик Наталиэ Бриггс томонидан ўйлаб топилган. Тўғри, унинг кашфиёти ҳозирги кир ювиш машинасидан бутунлай фарқ қилган. Лекин шунга қарамай хотин-қизлар оғир меҳнатларини енгиллаштиргани учун ажойиб ихтиро чига ҳар қанча раҳмат айтишса арзийди.



### ЧАНГ ЮТГИЧ

Кир ювиш машинасидан кейин чанг ютгичнинг яратилиши аёлларнинг меҳнатини енгиллаштирадиган яна бир улкан ихтиро бўлди. Унинг илк на-



мунасини АҚШнинг Айова штати Дениэл Хесс яратди. У ўзининг «гилам супиргич» деб номлаган кашфиётини 1860 йил 10 июль кунини намойиш этди. Орадан саккиз йил ўтгачина, бундай аппаратларни саноат асосида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

### ЧОЙ ПАКЕТЧАЛАРИ

Тижоратчи Томас Салливан аслида маблагни тежамоқчи эди. Шу сабабдан 1904 йилда куруқ чойни тунука идишларга эмас, ипак халтачаларга қадоқлашни буюрди. Шу тариқа ўзи хаёлига келтирмаган ҳолда чой пакетчаларини ўйлаб топди.



### КАНЦЕЛЯРИЯ ҚИСҚИЧЛАРИ

Дастлаб идораларда қоғозларни ип ёрдамида йиғмажилдга тикишарди. Энди ана шу йиғмажилд ичидан бирорта хужжатни олиш қанчалик машаққатли иш эканлигини тасаввур қилинг. 1887 йилда АҚШнинг Филадельфия штатида яшовчи Этельберт Мидлтон ана шу машаққатни осонлаштириш учун пўлат симдан фойдалана бошлади. Орадан 12 йил ўтиб, норвегиялик Иоганн Валер шу пўлат симни икки буклаб, канцелярия қисқичига айлантириб қўя қолди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

## ЎТГАНЛАРИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма Алоқа бўлими муҳандиси, лейтенант Неъматилла Исомидиновга падари бузруквори

### ТУРФУНБОЙ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.



# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

### ҚҲЙ



Турмуш ўртоғингиз билан ўрталарингизда анчадан буён турли муаммолар тўпланиб келётган эди. Ушбу ҳафтада улар бир йўла юзага чиқади. Барча тушунмовчиликларни оғир-босиқлик билан ҳал этинг. Шунда муносабатларингиз яна изга тушиб кетади. Ҳафта ҳамкорлик алоқалари учун ҳар томонлама қулай. Ҳозирча янги танишлар орттирмай турганингиз маъқул.

### СИГИР



Дастлабки кунларни қариндошларингиз ёки қадрдон дўстларингиз даврасида ўтказинг. Шунда яйраб дам оласиз. Яқин одамларингиздан бири сизга нимадир совға қилиши мумкин. Вақтдан бошқалар билан мулоқот қилиш мақсадида унумли фойдаланинг. Ҳафта охирида ҳаётингизда жиддий ўзгаришлар юз беради. Фақат уларнинг қандай натижаларга олиб келиши ҳақида гапиришга ҳали эрта.

### ЭГИЗАКЛАР



Ҳафтанинг дастлабки кунлари меҳмондорчиликларда ёки тантанали тадбирларда иштирок этсангиз керак. Ҳафта ўрталарида иш билан қаттиқ банд бўласиз. Ишчанлигингиз туфайли ҳамкасбларингиз орасида маъқеингиз мустаҳкамланади. Ҳафта сўнгида яқин одамингиз билан келишмовчилик сабабли кайфиятингиз бузилиши мумкин. Тез орада тушунмовчиликлар барҳам топиб, ҳаммаси ўз жойига тушади.

### КИСҚИЧБАҚА



Янги ҳафтанинг бошиданок кўтаринки кайфиятда, куч-ғайратга тўлиб юрасиз. Ҳар қандай масалани ҳал эта оласиз. Фақат ҳафта ўрталарида ҳеч кимнинг фикрига кулоқ солмай, нуқул ўз гапингизни маъқуллатишга ҳаракат қиласиз. Бунинг охири бахайр бўлмайди. Мабодо раҳбарлик лавозимида ишласангиз, хушомадгўй, лаганбардор ва алдоқчи кимсаларнинг тил-ёғламалигидан эҳтиёт бўлинг.

### АРСЛОН



Сизнинг синчков нигоҳингиздан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Ўткир ақлингиз ёрдамида айрим кимсаларнинг риёкорлигини фош этасиз. Ҳозир янги йўналишлар бўйича таҳсил олишингиз айна пайти. Илгари баъзи дўстларингизнинг самимийлигига шубҳа билан қарар эдингиз. Ҳафта ўрталарида ушбу масала ойдинлашади. Дам олиш кунлари ҳар ким меҳнатига яраша рағбатлантирилади.

### ПАРИЗОД



Ҳафта бошларида вазиятни ҳар томонлама ўрганиб, сўнг шошмасдан бир тўхтама келинг. Тўғри қарор қабул қилсангиз, молиявий жиҳатдан ҳам фойда кўрасиз, шахсий ишларингиз ҳам ривож топади. Янги танишлар орттиришингиз мумкин. Эски алоқаларингиз қайта тикланади. Кекса қариндошларингизнинг ҳолидан хабар олишингизни маслаҳат берамиз.

### ТАРОЗИ



Бутун ҳафта давомида омад ёнингизда юради. Фақат унинг тутқич бермагани ёмонда. Қўплаб имкониятларни қўлдан чиқариб юборасиз. Шунга қарамай ҳар қандай вазиятда ҳам умидсизликка тушманг. Қийинчиликлардан чўчиманг. Йўқотишларни юракка яқин олмаг. Эртанги кунга ишонч билан қаранг. Акс ҳолда таъбингиз хира бўлиб, дам олиш кунлари ухлай олмайсиз.

### ЧАЁН



Ўзингизни худди улоқни қўлга киритган чавандоздек ҳис этасиз. Атрофингиздагиларда ҳам яхши таассурот қолдирасиз, уларнинг хурмат-эътиборини қозонасиз. Ҳали оила қурмаган бўлсангиз, бахт юлдузингизни учратиб қоласиз. Агар оилали бўлсангиз, умр йўлдошингиз билан муносабатларингиз янада яхшиланади. Ҳамиша эзгу ишлар қилишга шошилинг.

### ЁЙ



Биринчи кунданок олдингизга аниқ мақсад қўйиб, унга сари қатъият билан интиласиз. Файрат-шижоатли эканлигингиз авваламбор оилавий муаммоларни ҳал этишингизда асқотади. Ҳафта ўрталарида ички сезингиз кучаяди. Шу сабабдан юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг асл сабабини тез илғайсиз. Бу бахсли масалаларни ечишда сизга жуда ёрдам беради.

### ТОҒ ЭЧКИСИ



Ҳафтанинг дастлабки кунлари анчайин тинч-осойишта ўтади. Аммо ҳафтанинг ўрталарида яқинларингиз билан мулоқот қилганингизда баъзан эҳтиросларга берилиб кетасиз. Маслаҳатимиз: ҳар қандай вазиятда ҳам жаҳлингизни босинг. Ҳафта охирида молиявий масалалар билан шуғулланишни, янги иш бошлашни хоҳлаб қоласиз. Сўнги масалада эҳтиёт бўлинг.

### ҚОВҒА



Ушбу ҳафтада теварак атрофингизда юз бераётган воқеаларга бефарқ бўласиз. Бошқаларнинг ёрдам беришига ишониб қолманг. Эҳтимол, шахсий ҳаётингизда қандайдир ўзгаришлар содир бўлар. Шубҳали ишларга аралашманг. Алданиб қолишдан, ноҳўя сўз айтишдан эҳтиёт бўлинг. Топширилган ишларни сидқидилдан бажаришга одатланинг. Ортиқча мулоқотлардан сақланинг.

### БАЛИК



Ҳафта бошида юз берган айрим кўнгилсизликлардан анчагача таъбингиз хира бўлиб юради. Балки, яқин одамингизнинг хиёнатини кечира олмасиз. Яхшиямки, атрофингизда кўпни кўрган, тажрибали инсонлар бор. Уларнинг оқилона маслаҳатларига амал қилганингиз туфайли таскин топасиз. Дам олиш кунлари яхшилаб ҳордиқ чиқаришга ҳаракат қилинг.